

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

№11 (2019)



TOSHKENT-2019

Педагогика ва психологияда инновациялар
Инновации в педагогике и психологии / Innovations in pedagogy and psychology
№11 (2019) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Аскарлов Абров Давлатмирзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Педагогика йўналиши

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, профессор

Психология йўналиши

Педагогика ва психологияда инновациялар журнал таҳририй маслаҳат кенгаши
Editorial Board of the Journal of Innovations in pedagogy and psychology
Международный редакционный совет журнала Инновации в педагогике и психологии

Урзова Марина Батировна
Педагогика фанлари доктори

Муслимов Нарзулла Алиханович
Педагогика фанлари доктори, профессор

Джорасев Мухамматрасул
Педагогика фанлари доктори, профессор

Нурманов Абдиназар Ташбаевич
Педагогика фанлари доктори

Халиков Аъзам Абдусаломович
Педагогика фанлари доктори

Аюпова Мукаррам
Педагогика фанлари номзоди, профессор

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
Педагогика фанлари доктори

Тўракулов Олим Холбўтаевич
Педагогика фанлари доктори

Шорена Дзамукашвили
Педагогика фанлари доктори

Шорена Вахтангишвили
Педагогика фанлари доктори

Саипова Малоҳат Латиповна
Психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Тургунбоева Азизахон ДЕЛИКВЕНТ ЎСМИРЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ПЕДАГОГИК ПЕРЦЕПЦИЯНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	4
2.Julmatova Saodat МАКТАВГАЧА YOSHDAGI BOLALARDA MUSIQIY DIDAKTIK O'YINLAR ORQALI MUSIQIY QOBILIYATLARNI RIVOJLANTIRISH.....	10
3.Ro'zimurodova Zarina, Uralova Charos, O'roqova Gulruxsor THE CATEGORY OF POLITENESS IN SPEECH COMMUNICATION.....	14
4.Jo'rayeva Sarvinoz "MEN"-OBRAZINING IJTIMOIIY- PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI.....	17
5.Фойипова Наргиза ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАР.....	22
6.Abdurahmanov Bahrom BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARINI FIKRLASH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISHDA TOPISHMOQLARDAN FOYDALANISH.....	29
7.Ишанова Мухайё ШАХС ЭМОЦИОНАЛ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТИНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ.....	34
8.Юнусзода Шахноза ИМИДЖ СОВРЕМЕННОГО ПЕДАГОГА.....	39
9.Кўчқарова Феруза, Каримов Ўлмасбек, Мухаммаджонов Хожиакбар МАКТАБДА УСЛУБИЙ ИШЛАР БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	44
10.Jo'raeva Xolida O'QUVCHILARDA MILLIY XARAKTERNI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI.....	50
11.Ҳакимова Гулнозахон ЁШЛАР ОРАСИДА ШУКРОНАЛИК ҲИССИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, СУИЦИД МУАММОСИНИНГ ОПТИМАЛ ЕЧИМИ СИФАТИДА.....	57
12.Мирхолиқова Чарос ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ СИФАТИДА.....	62

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Тургунбоева Азизахон Гуломовна
Наманган давлат университети
Педагогика ва психология кафедраси
таянч докторанти

ДЕЛИКВЕНТ ЎСМИРЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ПЕДАГОГИК ПЕРЦЕПЦИЯНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-1>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ижтимоий перцепциянинг психологик хусусиятлари кенг ёритилган. Шунингдек ижтимоий педагогик перцепциянинг ўзига хос механизмлари, деликвент ўсмирлар билан ишлашда педагогик перцептивликнинг ахамиятли томонлари ҳақида сўз юритилган

Таянч сўзлар: Ижтимоий перцепция, деликвент ўсмир, эмпатия, идентификация, касбий маҳорат, педагогик қобилият, тарбияси" қийин" ўсмирлар, эмпативлик қобилияти, рефлексив-перцептив малака

Тургунбаева Азизахон Гуломовна
Докторантка Наманганского Государственного Университета,
кафедры Педагогика и психологии

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПЕРЦЕПЦИИ В РАБОТЕ С ДЕЛИНКВЕНТНЫМИ ПОДРОСТКАМИ

АННОТАЦИЯ

В этой статье, широко описано психологические особенности социальной перцепции. Также говорится об уникальных механизмах социальной педагогической перцепции и значительных аспектах педагогической перцептивности в работе с делинквентными подростками

Ключевые слова: социальная перцепция, эмпатия, идентификация, профессиональное мастерство, педагогическая способность, делинквентные подростки, способность к эмпатии, рефлексивно-перцептивная квалификация,

PSYCHOLOGICAL FEATURES OF PEDAGOGICAL PERCEPTION IN WORK WITH DELINQUENT TEENAGERS

Turgunboeva Azizakhon Gulomovna

The 2d level doctoral student of department of psychology and pedagogy of
Namangan State University

ABSTRACT

In the following article, psychological characteristics of the social pedagogical perception are outlined widely. Also, unique mechanisms of the social pedagogical perception as well as the significant aspects of it while working with teenagers, are described.

Key words: social pedagogical perception, empathy, identification, professional skills, teaching ability, delinquent teenagers, ability to empathy, reflexively-perceptual qualification I

Педагогик фаолиятдаги ижтимоий перцепция таълим жараёни самарадорлигини таъминловчи энг муҳим омиллардан биридир.

Педагог ва тарбиячилар томонидан ўқувчи шахсини билиш муаммоси долзарб амалий аҳамиятга эга бўлган муаммодир. Педагог томонидан ўқувчи шахсини билиш жараёнида эмпатия муҳим рол ўйнайди. Ҳамдардлик қобилияти "бошқалар"ни адекват идрок қилишнигина эмас, балки ўқувчи билан самарали, ижобий ўзаро муносабатларни ташкил этиш имконини беради. Бу икки томонлама таъминланган хусусиятдир. Биринчи томондан, ўқувчи шахсини нисбатан чуқурроқ ва адекват акс эттиришга асосланган педагогик қарорлар қабул қилиш ва тарбиявий жараён самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бошқа томондан, эмпатияни намоён этиш натижасида унга нисбатан ҳиссий жавобни вужудга келтиради ҳамда педагог ва ўқувчи ўртасида ижобий муносабатларнинг шаклланишига олиб келади. Ўсмирлик инсоннинг балоғатга етиши даври бўлиб, ўзига хос анатомик-физиологик ва ижтимоий-психологик ўзгаришлар туфайли камолотнинг бошқа поғоналаридан кескин фарқланади. Ўсмир организмда рўй берадиган биологик ўзгаришлар ва шахсий "Мен"даги янгиланишлар натижасида унинг руҳий оламида туб бурилишлар юзага келади.

Ўсмирлик даврида оғишган хулқ-атвор шаклларининг намоён бўлиши эҳтимоллиги ниҳоятда юқори бўлади. Ўтиш даврида вужудга келадиган морфологик ва физиологик ўзгаришлар, яъни 11-12 ёшда организмдаги ички секреция безлари фаолиятининг қайта қурилиши бола руҳиятида ҳам айрим ижобий ёки салбий кечинмаларга сабаб бўлади. Марказий асаб тизимида қўзғалувчанлик ўзгаради, натижада яққол ҳис туйғулар туғила бошлайди. Қалқонсимон без фаолиятининг кучайиши қўзғалувчанлик, асабийлашиш ва толиқишни келтириб чиқаради. Бош мия қобилиятида тормозланиш жараёнининг сусайиши, шиддатли эмоционал ҳолатларни вужудга келтиради, хулқ-атворда жиззакилик ва ғайритабиийлик пайдо бўлади. Ўсмирлик давридаги йигитлар ва қизлар ўзларининг ташқи кўриниши (юз ифодаси, ранги, гавда тузилиши, бўйи) ва кийинишига жиддий эътибор бера бошлайди. Ўқишга бўлган муносабат қуйи ўринга тушади, ўзлари ёқтирган машғулотлар жараёнида тенгдошлар билан ўзаро мулоқотда бўлиш эҳтиёжи ва истаги кучайиб кетади. Ўсмирлик даврида бундан ташқари бўйнинг ўсиши, гавда

тузилиши ва жисмоний сифатлар асосий ўрин эгаллайди. Жисмоний қувватнинг ортиб бориши боланинг тенгдошлари ўртасида ажралиб туришига таъсир қилади, референт гуруҳда ўз ўрнини топишга бўлган интилиш, айрим зарарли одатлар(чекиш, спиртли ичимлик ичиш)га берилувчанлик ортади, ўсмирларнинг бир-бирларига нисбатан тазйиқлари кучайиб боради. Ўсмирлик ёши - нафақат атрофдагилар учун, балки унданда кўпроқ ўсмирнинг ўзи учун ҳам қийин ёш саналади. Ўзгарувчан кайфият, феъл-атвордаги кескин бурилишлар ва ўта таъсирчанлик, баъзан вазиятни тўғри баҳолай олмаслик ва унга мувофиқ ҳолда ўзини тута билмасликка ҳам олиб келади. Айнан шу каби ноадекватлик, ўсмир ҳаётида турли хил низоларнинг юзага келишига асосий сабаб бўлиб қолади. Тарбияси "қийин" ўсмирлар билан олиб бориладиган ишларда эмпатия жуда муҳим аҳамият касб этади. Кўпчилик учун у қондирилмаган эҳтиёж сифатида қаралади. Ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимларида махсус ҳисобда турадиган ўсмирларнинг 92,2 % ижобий эмоционал алоқага эга эмас, ўз ўқув юртларида мунтазам равишда психологик "изоляция" шароитида бўлганлардир. Л.М.Зюбинанинг таъкидлашича, 35 % қонунбузар- ўсмирлар ота-она ва болалар ўртасида носоғлом муносабатлар мавжуд оилаларда тарбияланишган. Оиладаги ноқулай муҳитнинг бола шахсига салбий таъсири йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Педагог томонидан ўқувчи шахсини акс эттиришнинг мукамаллиги ва ҳар томонламалиги ҳам қизиқарли масалалардан биридир. Ўзининг тавсифномаларида педагоглар ўртача 18,7 тадан фикрлардан фойдаланишган. Умуман олганда педагог қанча кўп фикрлардан фойдаланса, у ўқувчи шахсининг шунча кўп томонини очиб бера олади. Ўқитувчи томонидан ўқувчининг шахсини ҳар томонлама акс эттириш муваффақият қозониш мотивациясининг ифодаланиши ва кучи билан ижобий корреляцияланади. Ўқувчи шахсига бўлган қизиқишнинг юқорилиги ҳаётга бўлган қизиқиш ва фаолликнинг ёрқин ифодасидир.

Педагоглар томонидан делинквент (қонунбузар) ўсмирлар шахсини баҳолаш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. А.А.Реан тадқиқотларида асосий эътибор педагогларнинг вояга етмаганлар бўйича назорат инспекцияси ҳисобида турувчи ўсмирлар шахсига берилган психологик-педагогик тавсифномаларнинг контент-анализига қаратилди. Контент-анализ лойиҳасини ишлаб чиқишда педагогик баҳолаш ҳақидаги Б.Г.Ананьев, педагогик-психологик тавсифнома таркиби ҳақидаги Д.Р.Кадирбаева, делинквент ўсмирларнинг психологик-педагогик тавсифномасини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги С.М.Меджидова тадқиқотларига асосланилди. А.А.Реан томонидан таҳлил қилиш учун қуйидаги бирликлар ажратиб кўрсатилган: ўсмир шахси ривожланишини башорат қилиш; унинг шахсини умумий баҳолаш; йўналтирилганлик, тажриба, характер, психик жараёнлар табиати, ўзига, бошқаларга, меҳнатга муносабатини баҳолаш; интизомлиликни баҳолаш; мустақилликни баҳолаш; ўсмирларнинг ўзига берган баҳосини констатация қилиш. Ўсмирнинг ўзига берган баҳосини констатация қилиш "педагогнинг ўсмирнинг ўзига муносабатига берган баҳоси" кўрсаткичи билан айнан бир нарса эмас. Констатация дихотомик табиатга эга бўлиб, у юқори-паст баҳолашни тақозо этади. Бунда эмоционал-баҳоловчи компонент мавжуд эмас.

Натижалар таҳлиliga кўра, контент-анализга жалб қилинган барча психологик-педагогик тавсифномаларда (100%) "ўсмир шахсининг ривожланишини башорат қилиш" бирлиги мавжуд эмас. Шубҳасиз, бу салбий ҳолат. Шу билан бирга 88%

тавсифномаларда ўсмирнинг ўзига берадиган баҳоси билан боғлиқ бирлик ҳам учрамайди. Бошқача қилиб айтганда, педагоглар делинквент-ўсмирларнинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари "Мен-образи"ни, унинг ўз характери, гуруҳдаги мақомига бўлган муносабатини инкор этишади. Мазкур вазият нафақат салбий, балки ўта хавотирлидир. Вояга етмаган қонунбузарларнинг ўзига берган баҳоси ҳақидаги замонавий қарашлар қанчалик қарама-қарши бўлмасин, унинг ўзига берган баҳоси ва делинквент-ўсмирнинг хулқ-атвори ўртасида ўзаро алоқа мавжудлигини барча мутахассислар (А.Р.Ратинов, М.М.Коченов, Г.К.Валискас, Ю.Б.Гиппенрейтер ва бошқалар) эътироф этишади. Делинквент хулқли ўсмирларнинг ўзига берадиган баҳоси юқорими ёки паст эканлиги ҳақидаги муаммо жуда мунозаралидир. С.Н.Хоружий, Е.Я.Яновскаяларнинг фикрича, делинквент-ўсмирлар ўзига юқори баҳо беришса, А.Р.Ратанов, Н.Я.Константинова ва Е.М.Собчиклар катта қонунбузарлар билан бир хил хусусиятга эга деб кўрсатишади. Ижтимоий дезадаптация таъсирида вужудга келган ўзини ошириб ноадекват баҳолаш кўплаб низоли вазиятларни шакллантиради ва баъзан делинквент хулқ-атворнинг ривожланишига қулайлик туғдиради.

Г.К.Валискас ва Ю.Б.Гиппенрейтерларнинг тадқиқотларида хулоса қилинишича, делинквент-ўсмирларнинг ўзига юқори баҳо беришини услубий жиҳатдан коррекция қилиб(тузатиб) бўлмайди. Вояга етмаган қонунбузарларнинг ўзига берадиган баҳоси қонунга итоат қилувчи ўсмирларникидан паст эканлиги маълум бўлди. Олинган маълумотлар натижасида чиқарилган хулосалар шуни тасдиқлайдики, делинквент-ўсмирларнинг ўзига берадиган баҳоси қандай бўлмасин бу баҳо ота-оналар, педагоглар ва гуруҳнинг баҳосига (одатда у доимо паст бўлади) мос тушмайди. Натижада бундай вазиятда ҳурмат қозонишга бўлган эҳтиёж қондирилмайди (А.Маслоу), дискомфорт (ноқулайлик), ҳатто дистресс вужудга келади, ўсмир вазиятдан чиқиб кетиш йўллари қидириб топа олмайди. Мазкур муаммони ҳал этишнинг энг кенг тарқалган усули ўсмирни уни адекват баҳолайдиган, ҳатто бироз ошириб баҳолайдиган гуруҳга қўшиш лозим бўлади. Вербал ёки новербал усуллар ёрдамида ўсмирда ўзини қадрлаш, шу гуруҳга мансуб эканлигидан қониқиш ҳиссини шакллантириш зарур.

Делинквент-ўсмирларда, афсуски, нормативларга зид бўлган қадриятлар ҳукмронлик қилади. Баъзан янги гуруҳга қўшилиш ўсмирнинг ҳурматга бўлган эҳтиёжини қондиришиги олиб келиши мумкин, аммо бу атрофдагиларнинг унга берадиган баҳосининг ортишига сабаб бўлмаслиги мумкин. Бундай вазиятда асоциал гуруҳга мансублик ўзини баҳолашнинг ташқи томондан қўллаб-қувватланиш эҳтиёжини қондириши мумкин. Кескин вазиятларда эса бу эҳтиёж гуруҳ аъзоси бўлмаганларга нисбатан тажовузкорлик, камситиш, бўйсундириш орқали қондирилиши мумкин.

"Делинквент-ўсмир шахсининг умумий баҳоси" кўрсаткичи бўйича олинган маълумотлар диққатга сазовордир. 80% педагоглар ўсмир шахсига салбий баҳо беришган. 20% вазиятда эса ўсмир шахсига берилган баҳо позитив бўлган. Бироқ бу баҳоларнинг 50%да берилган ижобий баҳолар юзакидир. Бундай ижобий баҳонинг асосини интизомлилик, педагог билан низоли вазиятларга бормаслик ташкил этади.

Делинквент-ўсмир шахсини баҳолашдаги негативизм юқори даражада маҳсулдор эмас. Бундай ёндашув педагог ва ўсмир ўртасидаги шахслараро ўзаро таъсир самарадорлигини чеклаб қўяди, ўсмир хулқ-атворини коррекциялаш ва шахсини шакллантиришга тўсқинлик қилади. Ўз навбатида ўсмир шахсига берилган негатив

баҳо ҳам делинквент хулқ шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Ўсмир шахсига берилган негатив баҳо криминологик ёндашувдаги стигматизаци (елимлаш) ҳолатига ўхшайди. Бу ёндашувга кўра жамият томонидан индивидга мунтазам салбий реакциялар билдириб борилса, онда-сонда бўлиб турадиган ҳуқубзарлик ҳолатлари аста-секин тизимли, тез-тез такрорланувчи жиноятга айланиб кетиши мумкин. Э.Лемерт ва Э.Шурлар томонидан "бирламчи" ва "иккиламчи" девиация тушунчаси киритилган. "Иккиламчи" девиация индивиднинг жамият томонидан унинг хулқ-атвorigа муносабат билдирилиши ва ошкора ёки яшириш муаммоларига мослашиш, ҳужум қилиш, ҳимояланиш реакцияси сифатида намоён бўлади. Ўқитувчиларда ижобий таассурот қолдириш учун болалар тарбиявий таъсирларни яхши ўзлаштиришлари зарур бўлади.

А.А.Реан томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, делинквент-ўсмир шахсини педагог томонидан умумий баҳоланиши унинг интизомлиги ва ишга муносабати билан ижобий корреляцияланади. Яна шундай корреляцияни умумий баҳоланиш, ўсмир характери баҳоланиш ва унинг шахси йўналтирилганлигини баҳоланишда ҳам кузатиш мумкин. Шундай қилиб, мазкур баҳонинг тўрт типиделинквент-ўсмир шахси ҳақидаги интегратив баҳонинг шаклланишига олиб келади. Мазкур маълумотлар асосида делинквент хулқли ва қонунга итоат этувчи ўсмирлар шахсини таққослаш имконияти вужудга келади. Ўқув фаолиятидаги муваффақият делинквент ўсмир шахсини баҳоланишдаги энг муҳим омиллар қаторига кирмайди.

Шундай қилиб, делинквент-ўсмирнинг интизоми қанчалик паст бўлса педагог томонидан унинг шахсига бериладиган баҳо ҳам шунчалик паст бўлади. Интизомлиликни баҳоланиш нафақат делинквент-ўсмир шахсининг умумий баҳоси билан, балки унинг йўналтирилганлиги, билим, кўникма ва малакалари билан ҳам ижобий корреляцияланади. Бу алоқалар ўта ишончли бўлмасда, анчагина кучли ҳисобланади. Ўқувчи интизомлигининг ортиши барча кўрсаткичлар бўйича унга бериладиган баҳонинг ортишига ҳам сабаб бўлади. Шундай қилиб, интизомлилик педагог томонидан делинквент-ўсмирга муносабат ва баҳо беришнинг энг муҳим омилдир. Бу ҳолатни ижобий ёки салбий деб қабул қилиш жуда қийин. Бошқа томондан қараганда эса интизомлилик, шубҳасиз, мақтовга сазовордир. Бироқ ўсмирнинг интизомига қараб унинг билим, кўникма ва малакаларига баҳо бериш ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмаслиги мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Реан А.А. Коломинский П.Я. Социальная педагогическая психология М.2004 .-234 с
2. Вегерчук И. Э. Социально-перцептивная компетентность в профессиональном общении. - М: МГУ ПП, 1999.
3. Бодалев А.А. Личность и общение М.1983.- 116 с.
4. Гамезо М., Петрова Е., Орлова Л. Возрастная и педагогическая психология. М.2003.-94с.
5. Бекназарова Л.С. Таълим жараёнида ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигининг психологик хусусиятлари: психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Тошкент: ЎзМУ, 2007. - 142 б.
6. Бибрих Р. Р., Васильев И.А. Особенности мотивации и целеобразования в учебной деятельности студентов младших курсов //Вестник МГУ. Серия

Психология. - М., 1987. №2. - С. 41-45.

7. Бородинa М.В. Мотивация самораскрытия личности в юношеском возрасте: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. - Ростов-на-Дону: 2001. - 19 с.

8. Варганова И.И. Проблема мотивации учебной деятельности //Вестник МГУ. Психология. - М., 2000. №4. -С. 33-41.


9. Вилюнас В.К. Психологические механизмы мотивации человека. - М.: изд-во МГУ, 1990. - 208 с.

10. Ермолин А.В. Возрастно-половые и типические особенности представленности в сознании структуры мотива: Автореф. дис. □ канд. психол. наук. - СПб.: 1996. - 17 с

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Julmatova Saodat Jur'atjon qizi
Samarqand Davlat Universiteti
Psixologiya va ijtimoiy fanlar kafedrası
Psixologiya mutaxassisligi magistri

**МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARDA MUSIQIY DIDAKTIK
O'YINLAR ORQALI MUSIQIY QOBILIYATLARNI
RIVOJLANTIRISH**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-2>

ANNOTATSIYA

maqolada san'atning xususan, musiqaning inson ma'naviy dunyosida qanchalik muhim ahamiyatga ega ekanligi haqida fikrlar mavjud. "Qobiliyat" tushunchasi haqida qarashlar. Mutaxassis musiqachilar uchun musiqiy didaktik rivojlantiruvchi o'yinlar jadvali keltiriladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarning musiqiy qobiliyatlarini shakllantirishda ota-onalarga tavsiyalar.

Kalit so'zlar: musiqiy qobiliyat, musiqiy didaktik o'yinlar, ritm hissi, eshitish qobiliyati, musiqiy faoliyat.

Жулматова Саодат Журьатжон кизи
Самаркандский Государственный Университет
кафедра Психологии и социальных наук
Магистр Психологии

**РАЗВИТИЕ МУЗЫКАЛЬНЫХ НАВЫКОВ У ДЕТЕЙ
ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА ЧЕРЕЗ МУЗЫКАЛЬНЫЕ
ДИДАКТИЧЕСКИЕ ИГРЫ**

АННОТАЦИЯ

в статье дается образ важности искусства, особенно музыки для человека. Взгляды на понятие "способность". Для опытных музыкантов есть таблица музыкальных дидактических игр. Рекомендации родителям по развитию музыкальных навыков у дошкольников.

Ключевые слова: музыкальные способности, музыкальные дидактические игры, чувства ритма, слух, независимая деятельность.

Julmatova Saodat Jur'atjon qizi
Samarkand State University
chair of psychology and social sciences
Master of Psychology major

DEVELOPING MUSICAL SKILLS IN PRESCHOOL CHILDREN THROUGH MUSIC DIDACTIC GAMES

ANNOTATION

the article provides an overview of the importance of art, particularly music, to the human spiritual world. Views on the concept of "ability". There is a table of musical didactic games for expert musicians. Recommendations to parents in developing musical skills of preschool children.

Key words: musical ability, music didactic games, a sense of rhythm, hearing ability, independent activities.

San'atning barcha shakllari kabi musiqa - insonga o'z joni, hissiyoti, kayfiyati, ichki dunyosiga bevosita murojaat qiladigan, insonga ta'sir ko'rsatadigan eng katta kuchdir. U tuyg'ular tili, insoniy tuyg'ular namunasi. Shaxsning ma'naviyati, madaniyati, hissiy va kognitiv tomonlarini tarbiyalashga musiqa katta rol o'ynaydi. Musiqaning bolaning hissiy sohasiga to'g'ridan-to'g'ri ta'siri dastlabki reaksiyaga yordam beradi, unda kelajakda asosiy musiqiy qobiliyatlarni shakllantirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi.

Zamonaviy tadqiqotchilar musiqiy qobiliyatlarni imkon qadar erta shakllantirish kerakligini isbotladilar. Bolalar musiqa dunyosiga qanchalik tez qo'shilishsa, ular shunchalik ko'p musiqiy olam ichida bo'ladilar va ular bilan yangi quvonchli, orzu qilingan olam bilan uchrashib, bu olamning go'zalliklarini anglab borishadi. Bolalikdagi musiqiy taasurotlarning qashshoqligi, ularning yo'qligi keyinchalik kattaligida yuzaga kelishi mumkin emas. Ehtimol shuning uchun ko'pchilik mutaxassislar maktabgacha yosh bu musiqiy qobiliyatlarni shakllantirish uchun eng qulay va samarali davr ekanligini ta'kidlaydilar.

"Qobiliyat" atamasi psixologiyada uzoq va keng qo'llanilishiga qaramay, adabiyotda ham aniqlanadi. Umumiy ta'rif: Qobiliyat bu bilim va ko'nikma bo'lmagan, ammo ularni tezda egallash, birlashtirish va amalda samarali ishlatishni ta'minlashdir. Umumiy qobiliyat nazariyasini rivojlantirishga olim B.M.Teplov katta hissa qo'shdi. Uning ongidagi qobiliyat tushunchasida 3 ta g'oya mavjud.

- Birinchidan, qobiliyat deganda bir kishini individual psixologik xususiyatlari tushuniladi.

- Ikkinchidan, qobiliyatlar umuman har qanday individual xususiyatlar deb atalmaydi, faqat har qanday faoliyatning muvaffaqiyati bilan bog'liq bo'lgan xususiyatlar.

- Uchinchidan, "qobiliyat" tushunchasi bu shaxs tomonidan ilgari ishlab chiqilgan bilim, ko'nikma va malaka bilan cheklanmaydi. B.M.Teplovning so'zlariga ko'ra, qobiliyatlar doimiy rivojlanish jarayonida mavjud bo'lolmaydi.

Musiqiy qobiliyatning rivojlanishi, ularning shakllanishi ko'p yillar davomida tadqiqotchilar e'tiborini tortgan eng qiziq muammolardan biridir. Ushbu muammoni o'rganish bolalardagi musiqiy qobiliyat, musiqiy did, hissiy sezgirlikning rivojlanishi kelajakda insonning musiqiy madaniyati asosini yaratishi bilan bog'liqdir. So'ngi o'n yillar yosh avlodning musiqiy qobiliyatlarini rivojlantirishga e'tiborning sezilarli darajada o'sishi bilan ajralib turadi. Musiqiy qobiliyatlarni rivojlantirish musiqiy ta'limning asosiy

vazifalaridan biridir.

Mutaxassis musiqachilar musiqiy qobiliyatlarning uch turini ajratib ko'rsatishadi:

1) yaxshi tuyg'u - musiqiy-hissiy tajriba, hissiy idrok sifatida idrok etishda o'zini namoyon qiladi;

2) musiqiy tinglash tomohasi (slux) - xotirani va hayolotni o'z ichiga oladi. Bu qobiliyat musiqani quloq orqali takrorlashda namoyon bo'ladi;

3) ritm hissi - bu musiqadagi vaqtinchalik munosabatlarni idrok qilish va takrorlash. Bu musiqani faol qavishda, boshdan kechirish, musiqiy ritmning hissiy ekspressivligini his qilish va uni aniq takrorlash qobiliyatidir.

Bolalarning musiqiy qobiliyatini rivojlantirishning muhim vositalaridan biri bu musiqiy didaktik o'yinlardir. Bolalarda musiqiy qobiliyat o'ynoqi tarzda yanada qiziqarli va samarali rivojlanadi. Musiqiy didaktik o'yinlar har doim bolalar uchun qiziqarli bo'lib, ularda ishtirok etish istagini uyg'otadi. Bu musiqiy ta'limning universal usuli bo'lib, bolalarga musiqaga bo'lgan qiziqishni va unga bo'lgan muhabbatni mavjud shaklda shakllantirishga, ularga musiqiy savodxonlik asoslari haqida tushuncha berishga imkon beradi.

Musiqiy didaktik o'yinlar bolalarda ritm hissi, harakatlarni movofiqlashtirish, ijodiy qobiliyatlarni rivojlantiradi va uyatchan bolalarni qamrab olish uchun yaxshi vositadir. Musiqiy didaktik o'yinlarning tarbiyaviy ahamiyati shundaki, ular bolaga olgan bilimlarini hayotiy amaliyotga qo'llash yo'llarini ochadi. Mening bu mavzuni yoritishimdan maqsad, musiqiy didaktik o'yinlarning bolalar musiqiy qobiliyatini rivojlantirishga ta'sirini aniqlash.

Belgilangan maqsadga erishish uchun:

- bolalarni o'yin holatini boshqarishga o'rgatish;
- estetik idrokni, musiqaga bo'lgan qiziqishni va sevgini, hissiy sezgirlik va ijodiylikni rivojlantirish;
- bolalarni o'yin holatini boshqarishga o'rgatish;
- ovoz ohangini, tembrni, dinamik eshitish qobiliyatini (sulx), ritm va tembrni yaxshilash;
- tinglash vaqtida e'tibor, musiqiy xotira;

Bolalar yoshi	Musiqiy hissiyotni va eshitish qobiliyatini rivojlantiruvchi o'yinlar	Ritmni his etishga o'rgatuvchi o'yinlar
Kichik va o'rta guruhlar uchun	"Musiqali narvon", "Aks-sado", "Mening do'stim", "Mening yoshim", "Buvijonim", "Kim biladi buni?"	"Qo'shiq nomi nima", "Sening do'sting kim?" "Yuramiz, yuguramiz", "Jo'jachalar", "Qarsak va barmoq bilan o'ynaymiz"
Katta guruhlar uchun	"Musiqaning rasmini chizamiz", "Qushlar konserti", "Bo'g'irsoq", "Uch cho'chqacha", "Bu nima ekan", "Tovushni toping"	"Bog'da sayr qilamiz", "Tarnovlarda sumalak", "Naqshinkor qish", "Ritmik orkestr", "Musiqa ritmini topamiz", "Qarsak va barmoq bilan o'ynaydi"

- o'yinda muloqot qobiliyatini, bir-biriga do'stona munosabatni rivojlantirish.

Ushbu vazifalarni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun maktabgacha ta'lim muassasalarining o'rta va katta guruh bolalari uchun istiqbolli reja yaratilmoqda va bu barcha pedagog musiqachilarga bolalarda musiqiy qobiliyatlarni qivojlantirishga yordam beradi. Shuningdek, bolalarning bilim va ko'nikmalarini barcha turlari bo'yicha tizimlashtirishga yordam beradi.

Musiqiy didaktik o'yinlar mazmunli va yetakchi faoliyat hisoblanadi. Bu o'yinlarni bolalar asta-sekin o'zlashtiradilar. Yangi o'yin bilan tanishish musiqa darslarida bo'lib o'tadi. Musiqa o'qituvchilari bolalarni o'yin qoidalari bilan tanishtiradi, oldiga ma'lum vazifa qo'yadilar. Ma'lum vaqtdan so'ng, o'rgatilgan musiqiy o'yinlarning qoidalari bilan o'yin harakatlari bolalar tomonidan mustaqil faoliyatga o'tadi. Bu musiqiy qobiliyatlarini rivojlantirishga eng samarali vositalardan biri hisoblanadi. Musiqiy didaktik o'yinni tashkil qilish va o'tkazishda katta ahamiyatga ega bo'lgan narsa bu guruhda yurish yoki boshqa harakat jarayonlarida tashabbus ko'rsatuvchi o'qituvchiga tegishli qismidir. O'qituvchilar musiqiy didaktik o'yin jarayonida o'yin mazmunini kuchaytirishlari va boyitishlari zarur. Buning uchun tarbiyachi o'yinni to'g'ri tashkil qilishi, maktabgacha yoshdagi bolalarning mustaqil faoliyatini, ijodiy fikrlash qobiliyatini boshqarishi, o'rgatuvchining o'zi maxsus mahoratli va bilimlarga ega bo'lishi, musiqiy repertuarini boyitib borishi kerak. Shu sababli, barcha shu sohada faoliyat olib boruvchi mutaxassislar bir-birlari bilan o'zaro fikr almashinib turishlari kerak. Bu borada ustozlardan nazariy va amaliy hamda mashg'ulotlarni va ijodiy yondashuv yo'l-yo'riqlarini o'rganishlari zarur. Bundan tashqari ota-onalar va MTM mudiri hamda guruh tarbiyachilari ko'magisiz kerakli natijalarga erishish qiyin deb o'ylayman. Musiqiy ta'lim keng imkoniyatga ega aslida: radio va televizordagi dasturlarni tinglash, audio yozuvlar, musiqiy ertaklar, multfilm qo'shiqlari, mumtoz musiqani tinglash kabilar. Ota-onalarning o'zi ham uy sharoitida farzandlari bilan musiqiy didaktik o'yinlar tashkil qilishlari mumkin. Ota-onalar o'z farzandi fe'l-atvorini, sevimli mashg'ulotlarini, moyilliklarini yaxshi bilishlari, hamda musiqiy qiziqishlari va raqs mahorati, musiqiy taassurotlarini doimiy ravishda boyitib, bir vaqtning o'zida musiqiy qobiliyatlarini rivojlantirishlari mumkin.

Shunday qilib, musiqiy didaktik o'yinlardan foydalanish bo'yicha tizimli va yo'naltirilgan ishlar va dasturlar maktabgacha yoshdagi bolalarning musiqiy qobiliyatlarini muvaffaqiyatli rivojlanishiga yordam beradi. So'ngi yillarda MTMga ko'rsatilayotgan e'tibor va talablardan keyin bolalar musiqiy qobiliyat ko'rsatkichlari 30-40%ga o'sdi. Hozirda bu ko'rsatkich o'sib bormoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "Bolalar musiqa asarlari repertuari" darsligi. 2017
2. Tatarinova Natalya Anatolevna. "Otkritiy urog"
"Musiqiy qobiliyat haqida" 2011-yil.
3. A.Bahriyev "Musiqaning elementar nazariyasi". O'quv qo'llanma. BuxDU 2011.
4. Ergash G'oziyev "Umumiy psixologiya". 2002
5. Ergash G'oziyev "Yosh davrlari psixologiyasi". "O'qituvchi" nashriyoti 1994.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Ro'zimurodova Zarina

Samarqand davlat chet tillari instituti roman-german
tillari fakulteti ingliz filologiyasi yo'nalishi

Uralova Charos

Samarqand davlat chet tillari instituti roman-german
tillari fakulteti ingliz filologiyasi yo'nalishi

O'roqova Gulruxsor

Oqdaryo tumani 42-umumiy o'rta ta'lim
maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

THE CATEGORY OF POLITENESS IN SPEECH
COMMUNICATION



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-3>

ANNOTATSIYA

Maqolada rus va xorijiy tilshunoslarning hujjatlarida keltirilgan xushmuomalalik toifasiga oid asosiy fikrlarning umumiy sharhi keltirilgan. Xushmuomalalik kategoriyasini belgilaydigan umumiy mezonlar tavsiflangan. Maqolaning muallifi "xushmuomalalik" tushunchasiga o'ziga xos ta'rif beradi.

Kalit so'zlar: xushmuomalalik, ijtimoiy me'yorlar, aloqa holati, muloqot qoidalari, suhbatdoshning "yuzi", jamiyatning til madaniyati.

**Ro'zimurodova Zarina,
Uralova Charos,
O'roqova Gulruxsor**

ANNOTATION

The article contains an overview of the main views on the category of politeness, represented in the papers of Russian and foreign linguists. There are described the general criteria defining the category of politeness. The author of the article gives her own definition of the notion of "politeness".

Keywords: Politeness, social norms, situation of communication, rules of communication, "face" of the interlocutor, linguistic culture of the society.

**Рузимуороова Зарина,
Уралова Чарос,
Урокова Гулрухсор**

АННОТАЦИЯ

В статье представлен обзор основных трактовок категории вежливости в речевой коммуникации, содержащихся в работах отечественных и зарубежных лингвистов. Выделяются основополагающие критерии, определяющие категорию вежливости, дается авторское определение понятию "вежливость".

Ключевые слова: Вежливость, социальные нормы, обстановка общения, правила ведения коммуникации, "лицо" собеседника, лингвокультура социума.

The category of politeness over the years has been and remains the subject of research by linguists, since it is politeness that contributes to the successful conduct of communication. In the linguistic literature contains many definitions of the concept of "politeness". In this article, we present an overview of the main approaches to understanding the category of politeness proposed by domestic and foreign linguists. In our opinion, the following approaches to the understanding of politeness in speech communication can be distinguished: 1) in terms of following social norms; 2) in terms of compliance with the rules or maxims of conversation; 3) in terms of preserving the "face" of the interlocutor and his own. 1. Understanding politeness in terms of following social norms. This approach has appeared since the publication of the first textbooks on speech behavior, intended for representatives of the "secular circle". Politeness was considered strict adherence to the rules of speech behavior in secular society, the deviation from these rules was interpreted as impolite. In modern speech communication, the concept of politeness as following social norms has not lost its relevance. Modern linguists pay attention to the fact that different linguistic cultures have their own specifics in the set of rules, which are interpreted as polite speech behavior. Researchers draw attention to the need to take into account the situation of communication: - official / unofficial and degree of acquaintance of communicants. In official communication, the interlocutors are influenced by restraining social prohibitions on certain actions: manifestation of irritation, aggression, etc. In such situations, the communicators' self-control over their own verbal behavior is usually very high. Self-control is manifested in the frequent use of formulas of speech etiquette, emphasized polite statements. In an informal setting, especially when communicating people who know each other well, the control of interlocutors for their own speech is reduced. As a result, the use of polite designs included in the speech etiquette system is reduced. Underlined politeness when communicating in the family, among friends will be perceived negatively, as the official "cold" politeness [1, p. 221]. 2. Understanding of politeness in terms of compliance with maxims, postulates or rules of conversation. Fundamental to the definition of politeness in speech communication was the work of G. Grice "Logic and speech communication", in which the author highlighted the principle of cooperation as the leading principle of speech interaction. G. Grice notes that for successful communication, it is necessary for each interlocutor to cooperate and contribute to the development of a conversation [4, p. 45-46]. The work of G. Grice was the impetus for the formulation of a number of other maxims and rules for polite conversation. 3. Understanding of politeness in terms of preserving the "face" of the interlocutor and your own. The basis of this approach is the concept of "person" as a positive social image of a person. Since communication takes place, as a rule, with direct verbal contact of interlocutors, the goal of each of them should be to preserve their "face" and not damage the "face" of the other [3, p. 325]. The mitigation of the communicative situation is helped by the implementation of the norms

of "positive" and "negative" politeness. These are situations when the speaker demonstrates a benevolent attitude towards the interlocutor, a positive assessment of the addressee. For example, talking with a pet might mitigate the urge: Don't be late, honey. "Negative politeness" is aimed at satisfying the "negative face" of the addressee, i.e., his desire to maintain a certain social distance and independence. Representatives of the Anglo-American linguoculture are characterized by the use of the norms of precisely "negative" politeness. Thus, the category of politeness in speech communication appears as a complex, multifaceted phenomenon, imposing on the interlocutors the obligation to maintain a positive image ("face") of all the participants in the conversation; comply with the rules imposed by the society of this linguoculture; take into account the atmosphere of communication and the degree of acquaintance with the interlocutor; maintain a friendly, respectful tone of communication.

References:


1. Аверкиева М.С. Семантическое и концептуальное пространства русского этикета: автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Екатеринбург, 2009.
2. Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. - М., 1989.
3. Goffman E. On Face Work: An Analysis of Ritual Elements in Social Interaction // Communication in Face to Face Interaction. - Harmondsworth, 1972. 4. Grice H.P. Logic and Conversation // Syntax and Semantics. - N.Y., 1975.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Jo'rayeva Sarvinoz

Ingliz filologiyasi fakulteti 3-bosqich talabasi
Namangan Davlat Universiteti.

"MEN"-OBRAZINING IJTIMOIIY- PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-4>

ANNOTATSIYA

Maqolada shaxs adekvatligida "Men"obrazining namoyon bo'lishi bosqichlari haqida so'z yuritilgan. Kishining o'z-o'ziga baxo berish darajalari hamda uning psixologik xususiyatlari to'liq ochib berilgan

Kalit so'zlar: Shaxs, xarakter, o'ziga nisbatan baxo, realistic baxo. obraz, adekvatlik, refleksiya

Жураева Сарвиноз

3- курса факультета Английской филологии
Наманганского Государственного Университета

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗА "Я"

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается об этапах проявления образа "Я" у человека. Полностью раскрыты уровни самооценки и психологических характеристик человека

Ключевые слова: Личность, характер, самооценка, реалистичная оценка, образ, адекватность, рефлексия

Sarvinoz Juraeva

The 3 year student of the English Philology Faculty of
Namangan State University

SOCIO-PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE IMAGE "I"

ABSTRACT

The article gives information about the manifestation of the image of "I". The levels of a person's self-esteem and psychological characteristics are fully explained

Key words: Person, character, self-esteem, realistic mark, image, adequacy, reflection

Tashqi olamni aks ettirish barcha jonli mavjudotga xos hislat bo'lsa-da, har bir individning unga munosabati doimo turlicha bo'ladi. Psixik jarayonlar namoyon bo'lishi, odamlarning tashqi qiyofalari bir xilligi, o'xshashligi xollari psixologiyada juda ko'p kuzatilgan bo'lsa-da, shaxsning individual xususiyatlari aynan bir xilligi xodisasi tarixda hech uchratilgan emas. Masalan, tashqi qiyofalari jihatidan xatto ota-onasi ham ajratib olishga qiynaladigan egizaklar ham ichki dunyochi, ta'sirlanishi, javob reaksiyalarining har xilligi bilan yer bilan osmondek farq qiladi. SHaxsning individual xususiyatlari deganda shaxsning quyidagi bir-biridan farq qilishga imkon beradigan quyidagi xususiyatlari tushiniladi: temperament, xarakter, qobiliyat.

SHu sababli turli hil yosh davrlarida shaxsning psixik rivojlanish xususiyatlari va darajasini o'rganish talab etiladi. SHaxs xususiyatlari va psixik taraqqiyot darajasini aniqlash uchun turli eksperimental psixologik metodlardan foydalaniladi. Psixologik tadqiqotlarda foydalaniladigan metodikalar u yoki bu faoliyat jarayonida shaxs psixik xususiyatlarining namoyon bo'lishini aniqlashdan iborat. Eksperimental topshiriqlar majmui shaxs psixik taraqqiyoti, uning aqliy darajasini hamda individual-psixologik xususiyatlarini aniqlashga qaratilgan. Bular eksperimental tadqiqot sharoitida so'zli, predmetli, psixometrik metodlar yordamida amalga oshiriladi. Har bir konkret holda olingan ma'lumotlarni sifatliy tahlil qilish va ularni boshqa metodlardan olingan natijalar bilan bog'lash zarur.

Inson o'z hayotida bolalik davridanoq boshqa insonlar bilan turli ijtimoiy munosabatlarga kirishadi. Inson hayoti boshqalar bilan bo'ladigan turli munosabatlarning uzluksizligidan iborat bo'lgan jarayondir. Ana shu munosabatlar esa har doim ham bir tekis, silliq va tinch davom etavermaydi. Demak, har bir inson o'zini, o'zligini qanchalik aniq va to'g'ri bilsa, tasavvur qilolsa, uning jamiyat normalariga zid harakat qilish ehtimoli ham shunchalik kam bo'ladi, ya'ni u tarbiyalangan bo'ladi. SHaxsning o'zi, o'z xulq-atvori xususiyatlari, jamiyatdagi mavqeini tasavvur qilishidan hosil bo'lgan obraz - "Men" - obrazi deb atalib, uning qanchalik adekvatligi va realikka yaqinligi shaxs barkamolligining mezonlaridan hisoblanadi "Men" - obrazi asosida ham bir shaxsda o'z-o'ziga nisbatan baholar tizimi shakllanadiki, bu tizim ham obrazga mos tarzda har xil bo'lishi mumkin. O'z-o'ziga nisbatan baho turli sifatlar va shaxsning orttirilgan tajribasi, shu tajriba asosida yotgan yutuqlariga bog'liq holda turlicha bo'lishi mumkin. YA'ni, ayni biror ish, yutuq yuzasidan ortib ketisa, boshqasi ta'sirida - aksincha, pastlab ketishi mumkin. Bu baho aslida shaxsga boshqalarning real munosabatlariga bog'liq bo'lsa-da, aslida u shaxs ongi tizimidagi mezonlarga, ya'ni, uning o'zi sub'ektiv tarzda shu munosabatlarni qanchalik qadrlashiga bog'liq tarzda shakllanadi. Masalan, maktabda bir fan o'qituvchisining bolaga nisbatan ijobiy munosabati, doimiy maqtovlari uning o'z - o'ziga bahosini oshirsa, boshqa bir o'qituvchining salbiy munosabati ham bu bahoni pastlatmasligi mumkin. YA'ni, bu baho ko'proq shaxsning o'ziga bog'liq bo'lib, u sub'ektiv xarakterga egadir.

"Men" - obrazining ijtimoiy psixologik ahamiyati shundaki, u shaxs tarbiyasining va tarbiyalanganligining muhim omillaridan hisoblanadi. SHu nuqtai nazardan olib qaralganda, tarbiya shaxsning o'zi va o'z sifatleri to'g'risidagi tasavvurlarining shakllanishi jarayonidir, deb ta'rif berish mumkin. O'z - o'ziga baxo berish va anglash, o'zidagi mavjud sifatlarni baholash jarayoni ko'pincha konkret shaxs tomonidan og'ir kechadi, ya'ni, inson tabiati shundayki, u o'zidagi o'sha jamiyat normalariga to'g'ri kelmaydigan,

no'maqul sifatlarni anglamaslikka, ularni "yashirishga" harakat qiladi, xattoki, bunday tasavvur va bilimlar ongsizlik sohasiga siqib chiqariladi (avstriyalik olim Z. Freyd nazariyasiga ko'ra). Bu ataylab qilinadigan ish bo'lmay, u har bir shaxsdagi o'z shaxsiyatini o'ziga xos himoya qilish mexanizmidir. Bunday himoya mexanizmi shaxsni ko'pincha turli xil yomon asoratlardan, xissiy kechinmalardan asraydi. Lekin shuni alohida ta'kidlash lozimki, "Men" - obrazining ijobiy yoki salbiyligida yana o'sha shaxsni o'rab turgan tashqi muhit, o'zgalar va ularning munosabati katta rol o'ynaydi. Odam o'zgalarga qarab, go'yoki oynada o'zini ko'rganday tasavvur qiladi. Bu jarayon psixologiyada refleksiya deb ataladi. Uning mohiyati - aynan o'ziga o'xshash odamlar obrazi orqali o'zi to'g'risidagi obrazni shakllantirish, jonlantirishdir.

Refleksiya "Men" - obrazi egasining ongiga taalluqli jarayondir. Masalan, ko'chada bir tanishingizni uchratib qoldingiz. Siz tinmay unga o'z yutuqlaringiz va mashg'ulotlaringiz haqida gapirmoqdasiz. Lekin gap bilan bo'lib, uning qaergadir shoshayotganligiga e'tibor bermadingiz. SHu narsani siz uning betoqatlik bilan sizni tinglayotganligidan, hayoli boshqa erda turganligidan bilib qolasiz va shu orqali ayni shu paytda "mahmadona, laqmaroq" bo'lib qolganingizni sezasiz. Keyingi safar shu o'rtog'ingiz bilan uchrashganda, oldingi xatoga yo'l qo'ymaslik uchun "O'rtoq, shoshmayapsanmi?" deb so'rab ham qo'yasiz. Ana shu ilgarigi refleksiyaning natijasidir. YA'ni, suhbatdosh o'rniga turib, o'zingizga tashlangan nazar ("men unga qanday ko'rinyapman?") -refleksiyadir.

SHaxsning o'zi haqidagi obrazi va o'z - o'zini anglashi yosh va jinsiy o'ziga xoslikka ega. Masalan, o'ziga nisbatan o'ta qiziquvchanlik, kim ekanligini bilish va anglashga intilish ayniqsa, o'smirlik davrida rivojlanadi. Bu davrda paydo bo'ladigan "kattalik" xissi qizlarda ham, o'smir yigitchalarda ham nafaqat o'ziga, balki o'zgalar bilan bo'ladigan munosabatlarini ham belgilaydi. qizlardagi "Men" - obrazining yaxshi va ijobiy bo'lishi ko'proq bu obrazning ayollik sifatlarini o'zida mujassam eta olishi, ayollik xislatlarining o'zida ayni paytda mavjudligiga bog'liq bo'lsa, yigitlardagi obraz ko'proq jismonan barkamollik mezonlari bilan nechog'li uyg'un ekanligiga bog'liq bo'ladi. SHuning uchun ham o'smirlikda o'g'il bolalardagi bo'yning pastligi, muskullarning zaifligi va shu asosda qurilgan "Men" - obrazi qator salbiy taassurotlarni keltirib chiqaradi. qizlarda esa tashqi tarafdin go'zallikka, kelishganlik, odob va ayollarga xos qator boshqa sifatlarning bor - yo'qligiga bog'liq xolda "Men" obrazi mazmunan idrok qilinadi. qizlarda ham ortiqcha vazn yoki terisida paydo bo'lgan ayrim toshmalar yoki shunga o'xshash fiziologik nuqsonlar kuchli salbiy emotsiyalarga sabab bo'lsa - da, baribir, chiroyli kiyimlar, taqinchoqlar yoki sochlarning o'ziga xos turmagi bu nuqsonlarni bosib ketadigan omillar sifatida qaraladi.

O'z-o'ziga baho nafaqat haqiqatga yaqin (adekvat), to'g'ri bo'lishi, balki u o'ta past yoki yuqori ham bo'lishi mumkin. O'z-o'ziga bahoning past bo'lishi ko'pincha atrofdagilarning shaxsga nisbatan qo'yayotgan talablarining o'ta ortiqqligi, ularni uddalay olmaslik, turli xil e'tirozlarning doimiy tarzda bildirilishi, ishda, o'qishda va muomala jarayonidagi muvaffaqiyatsizliklar oqibatida hosil bo'lishi mumkin. Bunday o'smir yoki katta odam ham, doimo tushkunlik holatiga tushib qolishi, atrofdagilardan chetroqda yurishga harakat qilishi, o'zining kuchi va qobiliyatlariga ishonchsizlik kayfiyatida bo'lishi bilan ajralib turadi va bora-bora shaxsda qator salbiy sifatlar va hatti-harakatlarning paydo bo'lishiga olib keladi. Xattoki, bunday holat suitsidal harakatlar, ya'ni o'z joniga qasd qilish, real borligidan "qochishga" intilish psixologiyasini ham keltirib chiqarishi mumkin.

O'zi-o'ziga baho o'ta yuqori ham shaxs xulq-atvoriga yaxshi ta'sir ko'rsatmaydi. CHunki, u ham shaxs yutuqlari yoki undagi sifatlarning boshqalar tomonidan sun'iy

tarzda bo'rttirilishi, noo'rin maqto'vlar, turli qiyinchiliklarni chetlab o'tishga intilish tufayli shakllanadi. Ana shunday sharoitda paydo bo'ladigan psixologik holat "noadekvatlik effekti" deb atalib, uning oqibatida shaxs xattoki, mag'lubiyatga uchraganda yoki o'zida nochorlik, uquvsizliklarni sezganda ham buning sababini o'zgalarda deb biladi va shunga o'zini ishontiradi ham (masalan, "xalaqit berdi-da", "falonchi bo'lmaganida" kabi bahonalar ko'payadi). YA'ni, nimaiki bo'lmasin, aybdor o'zi emas, atrofdagilar, sharoit, taqdir aybdor. Bundaylar xaqida bora-bora odamlar "oyog'i erdan uzilgan", "manmansiragan", "dimog'dor" kabi sifatlar bilan gapira boshlaydilar. Demak, o'z-o'ziga baho realistik, adekvat, to'g'ri bo'lishi kerak.

Realistik baho shaxsni o'rab turganlar - ota-ona, yaqin qarindoshlar, pedagog va murabbiylar, qo'ni-qo'shni va yaqinlarning o'rinli va asosli baholari, real samimiy munosabatlari mahsuli bo'lib, shaxs ushbu munosabatlarni ilk yoshligidanoq xolis qabul qilishga, o'z vaqtida kerak bo'lsa to'g'rilashga o'rgatilgan bo'ladi. Bunda shaxs uchun etalon, ibratli hisoblangan insonlar guruhi - referent guruhning roli katta bo'ladi. Chunki biz kundalik hayotda hammaning fikri va bahosiga quloq solavermaymiz, biz uchun shunday insonlar mavjudki, ularning hattoki, oddiygina tanbehlari, maslahatlari, hattoki, maqtab turib bergan tanbehlari ham katta ahamiyatga ega. Bunday referent guruh real mavjud bo'lishi (masalan, ota-ona, o'qituvchi, ustoz, yaqin do'stlar), yoki noreal, hayoliy (kitob qahramonlari, sevimli aktyorlar, ideal) bo'lishi mumkin. SHuning uchun yoshlar tarbiyasida yoki real jamoadagi odamlarga maqsadga muvofiq ta'sir yoki tazyiq ko'rsatish kerak bo'lsa, ularning etalon, referent guruhini aniqlash katta tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan.

CHarlz Darvin (1809-1882) o'zining "Odamda va xayvonlarda his-tuyg'ularning ifodalanishi to'g'risida" (1872) kitobida, fiziognomistik "Har bir individning o'z shaxsiyats qiziqishlariga ergashib, faqat yuzlaridagi, asosan ma'lum bir muskullarni qisqartirishi, bu muskullar kuchliroq rivojlangan bo'lishi mumkinligi va shuning uchun bu chiziqlar va ularning odatdagi qisqarishidan paydo bo'ladigan yuz qisqarishi ancha chuqur va ko'zga ko'rinarli bo'lishi mumkinligini jiddiy ravishda bilishi kerak". Darvinning bu g'oyalari ko'pgina psixologlarning izlanishlari uchun asos bo'ldi. Xarakter kishining tashqi ko'rinishiga ta'sir qilar ekan, uning xatti-xarakatlarida, hulq-atvorida, faoliyatida yorqin ifodasini topadi. Xarakter - odamlarning xatti-xarakatlari asosida xukm chiqarish kerak. Odatdagi ish, faoliyat va xatti-xarakatlar tizimi - kishi xarakterining poydevoridir. Xarakterni kishining odatlari ham namoyon qiladi. Xarakter sotsial tabiatga ham ega, ya'ni kishining dunyoqarashiga, uning faoliyat mazmuni va shakliga, u yashayotgan va ishlayotgan jamoaga, boshqa odamlar bilan qanday munosabatda bo'lishi ham bog'liq. Eng muhimi kishi ekstremal vaziyatda o'zini yaqqol ko'rsata oladi. Kishining istalgan, shu jumladan, ichki psixologik xolatlarga qarshilik qila olish qobiliyati uning o'zini o'zgartiradigan qudratli kuchi borligini, uning shaxs sifatida rivojlanish negizini namoyon qiladi.

SHaxs nimaga va qanday darajada qodirligiga qarab unga birinchi o'rinda konkret xarakterologik emas, balki ijtimoiy va umuminsoniy qadriyatlari chiqadi va unga u qay darajada qodir bo'lomasa, shaxs odatdagi vaziyatlarda boshqalardan ajralib turadigan individual sifatlari bilan benishon ko'milib ketishi mumkin. Buning ustiga odamlar aynan bir xil xolatlarni har doim ham bir xil aks ettirmaydilar "Kimki bajarishni istamasa bahona izlaydi, istasa vosita izlaydi". Artist o'zi o'ynagan qahramonini xarakteriga tushib qolganini bilmay qolishi mumkin. (Italiyalik sobiq firibgar ijobiy qahramon rolini o'ynab avvalgi xarakterini tomimila o'zgartirib yuboradi, yoki sobiq yosh qoida-buzar unga ishonch bildirgach, shu ishonchni oqlashga urinib o'zi eng odobli, intizomli, kolonistga aylanganligini A.S.Makarenko isbotlagan).

SHunday qilib, o'z - o'ziga baho sof ijtimoiy hodisa bo'lib, uning mazmuni va mohiyati shaxsni o'rab turgan jamiyat normalariga, shu jamiyatda qabul qilingan va e'zozlanadigan qadriyatlarga bog'liq bo'ladi. Keng ma'nodagi yirik ijtimoiy jamoalar etalon rolini o'ynashi oqibatida shakllanadigan o'z-o'ziga baho - o'z-o'zini baholashning yuksak darajasi hisoblanadi. Masalan, mustaqillik sharoitida mamlakatimiz yoshlari ongiga milliy qadriyatlarimiz, vatanparvarlik, adolat va mustaqillik mafkurasiga sadoqat xislarining tarbiyalanishi, tabiiy, har bir yosh avlodda o'zligini anglash, o'zi mansub bo'lgan xalq va millat ma'naviyatini qadrlash xislarini tarbiyalamoqda. Bu esa, o'sha yuksak o'z - o'zini anglashning poydevori va muhim shakllantiruvchi mexanizmidir. Demak, o'z-o'zini baholash - o'z-o'zini tarbiyalashning muhim mezonidir.

Ichki intizom - o'z-o'zini boshqarishning muhim mezoni, har doim har erda o'zining barcha harakatlarini muntazam ravishda korreksiya qilish va boshqarish uchun xamisha zarur sifatdir.

Xulosa qilib aytganda, inson bolasi ilk yoshlikdanoq "mening hayotim", "bizning dunyo" degan ijtimoiy muhitga tushadi. Bu muhit o'sha biz bilgan va har kuni his qiladigan siyosat, huquq, ahloq olamidir. Bu muhit - kelishuvlar, tortishuvlar, hamkorliklar, an'analar, udumlar, turli xil tillar olami bo'lib, undagi ko'plab qoidalarga ko'pchilik mutloq qo'shiladi, ba'zilar qisman qo'shiladi. Bu shunday qoidalar va normalar olamiki, ularga bo'ysunmaslik jamiyat tomonidan qoralanadi, ta'qiblanadi. SHulardan kelib chiqadigan xulosa shuki, shaxs jamiyatga nisbatan barcha tartib - qoidalarni qabul qiluvchi sub'ekt bo'lsa, jamiyat - ijtimoiy intizom va tartibning, madaniyatning mufassal ko'rinishidir.


Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimova V.M. Ijtimoiy psixologiya va ijtimoiy amaliyot T."Universitet".1999
2. Remov R.S. Psixologiya. M."Vlados". 2000
3. Rean A.A. Sotsial'naya pedagogicheskaya psixologiya M. "Vlados" 2004
4. G'oziev E.G'. Psixologiya T."O'qituvchi".1994, 98 s.
5. Абрамова Г.С. Возрастная психология. Учеб. пособи для вузов М.: Академический проект. Альма Матер, 2005, 698с.
6. Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шахри" Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти; 1993, 204-б.
7. Аронова С.А., Маросонова В.И. Регуляторная роль самосознания в старшем школьном возрасте // журн. Прикладн.психол. 2004. №1 с 31-39.
8. Бажин Е.Ф., Голынкина Е.А. Эткин А.М. "Опросник уровня субъективного контроля" (У.С.К.)М.: Смычя 1993.
9. Бекназарова Л.Б. Психологические особенности адаптации у младших подростков (на премере переходного периода учащихся от начальной к средней школе) канд. психол. наук. в национальное университета Узбекистана им Мирзо Улугбека. Ташкент, 22с.
10. Вилюнас В.К. Психологические механизмы мотивации человека. - М.: изд-во МГУ, 1990. - 208 с.

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Гойипова Наргиза Аълохоновна
Наманган муҳандислик технология институти

**ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРУВЧИ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАР**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тарбия жараёнининг самарадорлигини ривожлантиришнинг узига хос хусусиятлари ва механизмлари психологик жihatдан кенг очиб берилган. Шунингдек тарбиянинг ижтимоий-психологик омиллари хақида ҳам сўз боради

Калит сўзлар: тарбия психологияси, бола рухияти, шахс, мотив, онг, эмоционал рухият, ирода, диққат, таълим мотивацияси

Гойипова Наргиза Аълохоновна
Наманган политехника институти

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ
ЭФФЕКТИВНОСТИ ВОСПИТАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА**

АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно раскрываются особенности и механизмы развития эффективности воспитательного процесса. Также говорится о социально-психологических факторах воспитания

Ключевые слова: Психология воспитания, психика ребенка, лицо, мотив, сознание, эмоциональная психика, воля, внимание, мотивация образования

G'oyipova Nargiza A'loxonovna
Namangan Engineering and technologu institute

**PSYCHOLOGICAL MECHANISMS THAT INCREASE THE
EFFECTIVENESS OF THE EDUCATIONAL PROCESS**

ABSTRACT

In this article, the features and mechanisms of the development of effectiveness of

the educational process are widely explained psychologically. Also, socio-psychological factors of education are mentioned.

Key words: Psychology of education, child's spirit, person, motive, consciousness, emotional spirit, willpower, attention, educational motivation

Истиқдол туфайли ўз мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Республикамиз ёшларини янгича ижтимоий муҳитга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш - шу куннинг долзарб ва устувор вазифаларидан биридир. Ҳозирги кунда Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тақдири ёшларнинг маънавий қиёфасига, шахсий баркамоллигига боғлиқ. Бу вазифаларни амалга ошириш инсоник ўзаро муносабатларда демократик тамойилларни онгга тўла сингдиришни тақозо этади. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос ва ҳар бир миллат психологиясига мос ҳолда шакллантиришдир. Ушбу мақола жамиятнинг янгилини даврида инсон маънавияти ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг психологик табиатини англашга ёрдам беради. Психология фани шахснинг ижтимоий табиатини эътироф этади ва унинг тараққий этишига ижтимоий муҳит муайян таъсирининг оқибати деб қарайди. Шахс одам иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар системасининг таъсири остида ва унда ўзи бажарадиган фаолият таъсирида таркиб топади.

Ижтимоий муҳитнинг, жамоанинг шахсга таъсири тўғрисида гапирилар экан, ижтимоий психология ишлаб чиқаётган референт гуруҳ тушунчасига асосланиш зарур. Гап шундаки, ҳамма одамлар ҳам, ҳатто энг яқин теварак-атрофдаги одамлар ҳам мактаб ўқувчисининг шахсига таъсир қилавермайди, кўпларнинг фикрларига у бефарқ қарайди. Ҳар бир одам учун бўлганидек, ҳар бир мактаб ўқувчиси учун ҳам айрим гуруҳлар (баъзан бундай гуруҳ бир кишидан таркиб топган бўлиши мумкин) мавжуд бўлади, у шахс сифатида бу гуруҳларнинг фикрлари, ўзи учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган мулоҳазалари билан ҳисоблашади.

Шахс хулқ-атвори нормаларини бошқарувчи энг зарур омил, бу тарбия деб қарайдиган бўлсак, тарбиянинг ўзи нима деган савол туғилиши шубҳасиз. Тарбия бу- бу хулқ-атворини назорат қилишдан иборатдир. Бундай назорат инсонга ёмон ҳатти-ҳаракатларни бажармаслик имкониятини беради. Агар шахс хулқ-атворини ахлоқийлиги ҳақида қайғурса, у ижтимоийлашувга эришган бўлади. Тарбияланганлик ижтимоийлашувни ўрганиш жараёни сифатида қараладиган ёш психологиясида олинган натижаларга асосланади. Бола ўзини эгоцентрик эмас, балки тарбияли тутиши учун тарбияланганлик қандай рағбатлантирилиши керак? Тарбия ўз моҳиятига кўра ижтимоий жиҳатдан ижобий эҳтиёжларни ҳосил қилишидир. Агар таълим шахснинг онгини шакллантириш бўлса, тарбия унинг онгсизлик сферасига таъсир этишдир. Болаларга уларни тарбиялайдиганларга ҳиссий яқинлик хос. Одатда хулқ-атворнинг дастлабки ижтимоийлашуви худди шу ўрганиш жараёни орқали содир бўлиши мумкин: хулқ,-атворнинг исталган шакллари ғамхўрлик ва эътибор билан тақдирланади, кутилмаган шакллари эса қўллаб-қувватланмайди. Лекин, яхши хулқ-атворни рағбатлантириш ва ёмон хулқ-атвор учун жазолаш ахлоқий ижтимоийлашувнинг кичик бир қисмидир. Биз кўриб чиққан хулқ-атвор ҳамма болаларга ҳам тааллуқли эмас. Болаларни тарбиялаш самарадорлигини оширишда анъана ва урф-одатларнинг роли катта. Халқ урф-одатлари, анъаналари ва маросимлари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Улар одамларни бир-бирига яқинлаштиради, дўстлик-биродарлик ҳис-туйғуларини

ривожлантиради. Булар ўз навбатида ёшлар учун ибрат намунасини ўтайди.

Мустақил жамиятнинг бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш: жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш йўлида ҳар бир кишининг тинмай ғамхўрлик қилиши, ижтимоий бурчни яхши англаш; жамият ҳаётида ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий софдиллик, одамийлик ва камтарлик, миллий ва ирқий адоватларга асло йўл қўймаслик ва шу каби ижтимоий нормалар тарбия жараёнининг муҳим хислатларидир. Тарбия жараёнида ғамхўрликнинг функцияси каттадир. Болалар бефарқ ота-оналарга нисбатан ғамхўр ота-онага кўпроқ тақлид қиладилар. Ғамхўр ота-оналар боланинг салбий хулқ-атворини қўллаб-қувватламаганда, бола ўз ҳатти-ҳаракатларининг оқибатини эртароқ англайди. Тарбиявий жараёни амалга оширишда ғамхўрлик билан бир қаторда яхши кўришга асосланган интизомга риоя қилиш зарурдир. Бу бола билан доимий мулоқотни тушунтиришни, муҳокама қилишни, агар боланинг хулқ-атвори шуни талаб қилса, оғзаки танбеҳ беришни, яхши хулқ-атвор учун тақдирлашни назарда тутати. Шунингдек ижобий эмоциялар воситасида ижобий хулқ-атвор одатларини шакллантирмоқ керак. Онг ҳам, ирода ҳам мотивлар иерархиясини шакллантира олмайди. Зотан, бир эҳтиёжнинг ўрнини фақат бошқа эҳтиёжгина эгаллаши мумкин.

Шу эҳтиёжларни қондириш воситалари билан болани қуроллантириш тарбия ва тарбиячидан мулоқотни ҳам, эмпативликни ҳам эмас, айнан шу воситалар билан қуроллантиришни кутади.

Арасту айтганидек: "Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа".

Психологлар (аввало Л. И. Божович ва унинг ходимлари) бола ва мактаб ўқувчисининг шахсини таркиб топтиришда унинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш, унинг тўғри хулқ-атвор тажрибасини орттиришигина эмас, балки унинг хулқ-атворининг (маълум ҳаракатга ундовчи фикрлари, ҳис туйғулари, мақсадлари системасини) тўғри мотивларини тарбиялаш ҳам ҳал қилувчи нарса эканлигини кўрсатиб бердилар. Н. Ф. Добринин ва унинг издошлари худди ана шу муносабат билан бола учун ўзи бажарган ишларнинг ижтимоий ва шахсий аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтадилар. Бунда ижтимоий аҳамият муайян тарзда ҳаракат қилишнинг объектив зарурати сифатида кечиради. XXI асда шахс шаклланишида, унинг тарбияланганлик даражасини ортишида диннинг, хусусан "Ҳадис" илмининг аҳамияти каттадир. Шахслараро муносабатда тенглик, ғамхўрлик, эмпативлик, самимийлик, ўзаро ёрдам, симпатия, антипатия, бағрикенглик сингари миллий хусусиятларни таркиб топтиришда ҳадисларнинг роли янада ортади. Ўзбек оиласида тарбия моҳияти, мазмуни тарбиянинг кундалик режаси, болаларга таъсир ўтказиш воситасини танлаш ва ундан унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг асосида халқ анъаналари ётади.

Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш ҳар томонлама тараққий этган инсон шахсини таркиб топтиришда муҳим рол ўйнайди. Абдулла Авлоний айтганидек: "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир". Ёш авлод тарбиясида миллий руҳият, умуминсоний, халқчил миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар етакчи ўрин тутмоғи лозим (тарбия этнопсихологик ва этнопедагогик муносабат). Булар орқали ёшларда юксак инсоний фазилатларни тарбиялаш лозим.

Қисқача айтганда, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар

чиқариб яшашни талаб этмоқда. Бугунги кунда "оммавий маданият"ни олдини олиш учун қуйидагиларга эътиборни кучайтириш зарур.

- Миллий мафқуранинг ҳар бир ғоясини амалга ошириш
- Мукаммал таълим-тарбияга интилиш
- Миллий урф-одат ва анъаналарга содиқ бўлиш
- Миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш
- Миллий ахлоқ қоидаларига доимий амал қилиш

Маълумки, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, қолаверса турли муассаса амалий психологлари ва илмий-педагогик кадрлар шуғулланадилар. Тарбия жараёнида барча иштирокчиларнинг баҳамжиҳатлик билан олиб борадиган ишларигина, ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

Тарбия психологияси мақсадга мувофиқ равишда ташкил этилган педагогик жараён шароитида инсон шахси шаклланишининг қонуниятларини ўрганади, Тарбия ҳар қандай жамиятнинг муҳим вазифасидир. Тарбия - бу шахснинг ижтимоий, маънавий ва ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш мақсадида унинг маънавий, жисмоний камолотига мунтазам равишда таъсир кўрсатиш жараёнидир. Умуман ҳозирда олиб борилаётган барча ислохотлар бугунги кунда шахс тарбиясига жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоқда

Хулқ-атвор ва одатни шакллантириш - маълумки, инсон рухиятининг юксак белгиларидан бири бўлиб, бу - унинг ўзини англашидир. Инсоннинг ўзини англаши ўз навбатида шахснинг муҳим белгиси ҳисобланади. Инсон ўз теварак-атрофидаги оламни билувчи ва шу оламга таъсир этувчи субъектдир. Одамнинг идрок этадиган, тасаввур қиладиган нарсалари унинг учун объектдир. Ана шу нуқтаи-назардан олганда, одамнинг ўзини англаши субъектив равишда ўзини "мен" образини ҳис қилишида ифодаланади. Одам ижтимоий зот бўлганлигидан унга ўзлигини англаш қобилияти хосдир. Фақат ижтимоий ҳаётда, ўзга кишилар билан қиладиган ҳар турли муносабатларда одамнинг ўзини англаши, ўзини "мен" деб билиши вужудга келади ва таракқий этади. Одам ўзини алоҳида шахс сифатида ким деб билиши, ўзининг ўтмиши ва келажакини англаши, ўз ҳуқуқ ва бурчини англаши ва ниҳоят ўзининг фазилат ҳамда камчиликларини англаши, ўзини англашига киради.

Шахс табиатини ўзгартирадиган, унинг ўзлигини таркиб топишига таъсир қиладиган куч ижтимоий омиллар ёки бошқача қилиб айтганда, жамият ишлаб чиқариш кучлари ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг ўсиши ва ўзгаришидир. Бундан ташқари яна инсон шахсининг таркиб топишига таъсир қилувчи кучли омил -инсон орттирган тажрибаларининг тарбия воситаси орқали болаларга берилишидир. Шундай қилиб, инсон шахси жуда мураккаб психологик категория бўлиб, у кишининг индивидуал ҳаёти давомида маълум конкрет омилларнинг таъсири остида секин-аста таркиб топади. Илмий манбаларга қараганда инсон шахси учта факторлар таъсирида таркиб топади. Улардан биринчиси, одам туғилиб ўсадиган ташқи ижтимоий муҳитнинг таъсири бўлса, иккинчиси, одамга узоқ муддат давомида системали равишда бериладиган ижтимоий таълим-тарбиянинг таъсиридир ва ниҳоят, учинчиси одамга наслий йўл билан бериладиган ирсий омилларнинг таъсиридир.

Шахс психик таракқийётида ва шахсий сифатларининг таркиб топишида ташқи, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг роли ҳал этувчи аҳамиятга эгадир. Лекин, инсон

шахсининг таркиб топиши, юқорида айтиб ўтганимиздек, факат шу иккита факторга эмас, балки учинчи бир факторга ҳам боғлиқдир. Бу фактор наслий йўл билан айрим анатомик ва биологик хусусиятларнинг таъсиридир. Одамга наслий йўл билан айрим анатомик ва биологик хусусиятлар берилади. Масалан: танасининг тузилиши, сочи ва кўзларининг ранги, овози, гапириш услублари, айрим ҳаракатлари туғма равишда берилиши мумкин. Лекин, шуни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керакки, одамга ҳеч вақт унинг психик хусусиятлари, яъни унинг ақлий томонлари билан боғлиқ бўлган сифатлари наслий йўл билан берилмайди. Ниҳоят, нодир ҳолларда айрим қобилиятлар, масалан, мусиқа, математика қобилиятларда наслий йўл билан берилиши мумкин. Бундай имкониятларнинг амалга оширилиши, яъни рўёбга чиқиши учун албатта, маълум шароит бўлиши керак.

Ҳозирги кунда халқимиз орасидан етишиб чиққан истеъдодли олимлар, муҳандис-ихтирочилар, ёзувчи ва шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари, истеъдодли артистлар, рассомлар ва бошқа кишиларимизга наслий йўл билан берилган барча имкониятларнинг рўёбга чиқиши учун ҳар қандай шароит майдонга келганлигини далили бўла олади. Болалар мактаб ёшига етгач, шахс шаклланишининг янги мазмуни бошланади. Кичик мактаб, ўсмирлик ва катта мактаб ёши даврларида шахс шаклланишининг юқори босқичи намоён бўлади.

Инсон шахсини ўрганиш масаласи билан фалсафа, психология, педагогика каби фанлар шуғулланади. Ҳозирги даврда инсон муаммоси аниқ ва гуманитар фанларнинг умумий тадқиқот объектига айланиб бормоқда. Шунга қарамасдан, бир томондан, инсонни ўрганишда дифференциация ҳодисаси юз бермоқда, иккинчи томондан, инсон тараққиётининг синтетик тавсифи бўйича интеграция ҳолати кўзга ташланмоқда. Инсон бир қатор фанларнинг тадқиқот объектига айланганлигини йирик тарзда тасаввур этиш учун, уни биосоциал ва социобиологик жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, инсон ҳаёти ва фаолиятининг операционал (ўқув, операция, ҳаракат, малака) механизми унинг онтогенезида функционал механизмга ўсиб боради, бинобарин, унда комиллик белгиси шаклланади, натижада у камолот чўққисининг муайян даражасига эришади.

Инсон - жамият - табиат - турмуш муносабатларини текширган рус психологлари С.Л.Рубинштейн, Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев одамнинг улар билан ҳар хил турдаги ва кўринишдаги каузал, структуравий, функционал, фазовий ва маконий алоқалар тизими мавжудлигини таъкидлаб ўтганлар.

Биринчидан, инсон у ёки бу алоқалар тизимига биноан биологик маҳсули "Ното Sapiens" сифатида ўрганилади.

Иккинчидан, тарихий жараённинг ҳам объекти, ҳам субъекти тариқасида шахс тадқиқ этилади.

Учинчидан, индивид муайян кўламда ўзгарувчан, тараққиётнинг генетик дастурига асосланувчи алоҳида хусусиятли жонзот тарзида илмий жиҳатдан текширилади. Инсонни жамият ишлаб чиқаришининг етакчи таркиби, билиш, коммуникация ва бошқарув субъекти, тарбия предмети сифатида тадқиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга.

XXI асрда ҳам одам индивид, шахс, субъект, комил инсон сифатида талқин қилинишда давом эттирилади, лекин ҳар бир тушунча моҳиятида сифат ўзгаришлари юз бериши мумкин, Одамга индивид сифатида тавсиф беришда

унинг ёш даври, жинсий ва индивидуал-типологик хусусиятларига асосланилади. Ёш давр сифатлари онтогенетик эволюция босқичларида изчил равишда намоён бўлади ва такомиллашув жараёнида ўз ифодасини топади, жинсий диморфизм хусусияти эса уларга мос тушади. Индивиднинг индивидуал-типологик хусусиятига конституцион (тана тузилиши, биохимик индивидуаллик) ҳолатлар, симметрия ва ассиметрия жуфт рецепторлари, эффлекторлари функцияси киради. Бу хусусиятлар ва хоссалар бирламчи ҳисобланиб, ҳужайра ва молекуляр тузилишнинг барча даражаларида иштирок этади. Ёш, жинсий ва индивидуал типологик хусусиятлар сенсор, мнемик, вербал ва мантиқ психофизиологик функциялари динамикаси ҳамда органик эхтиёжлар тузилишини аниқлайди. Индивиднинг бу хусусиятларини иккиламчи деб атаб, уларнинг интеграцияси темпераментда ва туғма майлларда ифодаланилишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Юқоридаги сифатлар ривожининг муҳим шакли онтогенетик эволюциядан иборат бўлиб, улар филогенетик дастурга асосланиб ҳукм суради. Ёш ва индивидуал ўзгарувчанлик инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти таъсири остида ҳар хил кўринишда намоён бўлади. Индивиднинг динамик хусусиятларига шахснинг ижтимоий сифатлари таъсир этиб, унинг индивидуал ўзгарувчанлиги омилини кучайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, шахснинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган барча сифатлари ижтимоий тараққиётнинг юксак онгли фаолиятчиси сифатидаги шахснинг ҳулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатларини белгилайди. Маълумки, инсон ўз табиатига кўра, илк ёшлик чоғларидан бошлаб, ниҳоят даражада тақлидчан бўладилар. Болалар катта одамларнинг барча ҳатти-ҳаракатларига бевосита тақлид қилиш орқали бу ҳатти-ҳаракатларни, яхши-ёмон фазилатларни ўзларига синдириб борадилар. Болалар оилада, кўча - кўйда, катта одамларнинг ҳар бир ҳаракатларини, ўзаро муносабатларини зимдан кузатиб турадилар.

Инсон шахсининг таркиб топишида ташқи ижтимоий муҳитнинг роли ҳақида гап борар экан, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, айрим ғайри табиий ҳодисалар инсон шахсининг таркиб топишида ташқи муҳит таъсирининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини тўла тасдиқлайди. Инсоннинг шахс сифатида тавсифлашнинг муҳим лаҳзаси, унинг динамик хусусиятлари ҳисобланиб, жамиятдаги статуси (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, яъни унинг жамиятда эгаллаган ўрни) орқали ифодаланади. Шахснинг мақсадга қаратилган ижтимоий фойдали фаолияти процессида ҳаётий деб аталадиган механизмлари ва онгли фаолиятининг функционал системаси процесслари юзага келади. Ана шулар туфайли инсон билимларни, кўникма ва малакаларни, кишининг ижтимоий тажрибаларини ўзлаштирибгина қолмай, балки ўзининг идроки, тафаккури, хаёли, ҳиссиётлари ва иродасини бир сўз билан айтганда, воқеликка бўлган онгли муносабатини ҳамда ўз ҳаракатлари ва ҳулқ-атворининг мотивларини таркиб топтиради.

Фойдаланилган адабиётлар


- 1.Э. Гозиев. Психология. Т. 1992 й. 78 б.
- 2 Жалилова С.Х. Педагогика институти талабаларида шахсий сифатлар шаклланишининг психологик хусусиятлари: психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферати. - Тошкент: 1994. - 20 б.
- 3.Э. Гозиев. Олий мактаб психологияси. Т. 1996 й.
- 4.В. Каримова. Психология. Маърузалар матни. Т. 2000й.48 б

5. Е. А. Рогов. Настольная книга практического психолога. М. 1999 г.-101с
6. Э. Гозиев. Психология. Т. 2002 й. 67б.
7. Реан А.А. Социальная педагогическая психология М. 2004.-230с
8. Е.А.Рогов.Общая психология. - М.: Владос, 2000. - 448 с
9. Гамезо М., Петрова Е., Орлова Л. Возрастная и педагогическая психология. М.2003.-94с.
10. Бородина М.В. Мотивация самораскрытия личности в юношеском возрасте: Автореферат..п.к.н - Ростов-на-Дону: 2001. - 19 с.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Abdurahmanov Bahrom Sobitovich,
Namangan davlat universiteti katta o'qituvchisi

**BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI FIKRLASH
QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISHDA TOPISHMOQLARDAN
FOYDALANISH**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-6>

ANNATATSIYA

Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilariga xalq og'zaki ijodi namunalaridan bo'lmish topishmoqlarni o'rgatish orqali o'quvchilar mantiqiy fikrlar qobiliyatlarini oshirish to'g'risida ma'lumotlar bayon qilingan.

Kalit so'zlar: topishmoq, malaka, ifodali o'qish, she'riy, nasriy, aqliy qobiliyat.

Абдурахманов Бахром Собитович.
старший преподаватель НамГУ

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ГОЛОВОЛОМОК ДЛЯ РАЗВИТИЯ
УМСТВЕННЫХ СПОСОБНОСТЕЙ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНОЙ
ШКОЛЫ**

АННАТАЦИЯ

В статье рассматривается вопрос развития логического мышления учеников младших классов при обучении головоломок в жанре фольклорного устного народного творчества.

Ключевые слова: головоломка, навык, выразительное чтение, стихотворный, прозаичный, умственные способности.

Abdurahmanov Bakhrom Sobitovich
teaching of NamSU

**USE OF PUZZLES TO DEVELOP THE ABILITY OF PRIMARY
SCHOOL STUDENTS' TO THINK**

ANNOTATION

The article discusses the development of logical thinking of primary school students in learning puzzles of the folklore genre of oral folk art

Key words: riddle, mental, expression reading, poetic, mental capacity

O`quv jarayonida ertaklar bilan bir qatorda topishmoq, tez aytishlardan keng foydalaniladi. Boshlang`ich sinf darsliklarida bir necha mavzularga va narsa-buyumlarga oid maqollar, topishmoq va tez aytishlar berilgan. Bular, albatta, o`quvchilarning mantiqiy tafakkurini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Mantiqiy tafakkurni o`stirishda topishmoqlarga javob topish matematik masala, misol yechish bilan teng kuchga ega. Ba'zi o`quvchilar topishmoqlarga javob topishni ermak deb biladilar. Afsus, bunday o`ylashlari noto`g`ri. Chunki har bir topishmoq aytilganda o`quvchi aqlni ishga soladi, o`ylaydi, fikrlaydi.

Topishmoqlarni o`quvchilar solishtirish va qiyoslash yo`li bilan javobini topishga intiladilar. Topishmoq matnini o`qish orqali o`quvchilar avvalo, topishmoq janriga xos xususiyatlari o`rganadilar, to`g`ri o`qish malakasini egallab beradilar.

Topishmoq javobini topishda yashirin berilgan belgi, predmet, voqea-hodisalarga asosiy e'tiborini qaratadi. O`qituvchi, topishmoqni o`qiyotganda uni doskaga yozib qo`yadi yoki topishmoq yozilgan kartonni doskaga ilib qo`yadi. Topishmoqning mazmuni tushuntirib bo`lingach, uni o`quvchilar daftariga ko`chirib oladilar, o`quvchilar topishmoqning javobini topgach, uning to`g`rimi yoki noto`g`ri ekanligini topishmoq mazmunidan va qo`shma ma'lumotlardan bilib oladilar. Topishmoqqa javob topish o`quvchini tetiklashtiradi, Charchagan vaqtda dam beradi. Ba'zi bir o`qish darslarini kuzatganimizda, juda ham zerikarli o`tilganligiga guvoh bo`lganmiz. Shunday paytda, ya'ni o`quvchilarda zerikish, toliqishni sezganda "Topishmoq topish" o`yini o`tkazilsa, o`quvchilar tetiklashib, darsga qiziqishlari ortadi, hamda ular madaniy xordiq ham oladilar. Topishmoqlar 1-4 sinflarning savod o`rgatish, imlo va nutq o`stirishga doir darslarida o`rganiladi. Asosan, o`quvchilar 1-4 sinflarning o`qish va nutq o`stirish darslarida topishmoqlarni og`zaki aytish bilan o`z nutqlarini boyitadilar.

Masalan: "Alifbe" kitobidagi

Rangi oppoq, qor emas,

Yumshoqqina par emas.

Topishmoqning mazmuni tushuntirilgach, javobni topish o`quvchilarga topshiriladi. "Paxta" javobini topishmoq matniga asosan to`g`riligi aniqlanadi. Topishmoq matni yordamida, javobni tekshirib bo`lingach, ifodali o`qish mashqi o`tkaziladi. Topishmoqni ifodali o`qishda uning mazmuniga e'tibor beriladi. Masalan, 2-sinf "o`qish kitobi"da mavzular bo`yicha berilgan topishmoqlarni ko`rib o`taylik. Bu topishmoqlarni o`qituvchi ifodali o`qib beradi, o`quvchilar bunda topishmoq mazmunini tushunib olishlari kerak. Har bir topishmoq o`qilgach, qisqacha chuhat o`tkaziladi. Masalan, quyidagicha savol berish orqali suhbat o`tkazish mumkin:

- Topishmoqda nimalar deyilgan?

- Qani, topishmoqni kim esda saqlab qoldi? kabi

Topishmoqda berilgan belgilariga qarab topishmoqning javobi topilgach, uning javobi tekshirib ko`riladi.

Oyog`i yo`q qochadi,

Qanoti yo`q uchadi.

Bu topishmoqning javobini yozib qo`yiladi. Topishmoq javobi matn mazmuniga qarab

tekshiriladi va o`quvchilar havroning xususiyatlari haqida ma'lumotga ega bo`ladilar.

Topishmoq matnida ayrim o`qilishida xatoga yo`l qo`yilishi mumkin bo`lgan holda ma'nosi tushunarsiz bo`lgan so`zlar ham uchrab turadi. Mana shunday so`zlar ustida ishlanadi.

Masalan: Kichkina dekcha,
Ichi to`la mixcha.

Bu topishmoqda "dekcha" so`zining ma'nosiga o`quvchilar tushunmasligi mumkin, bundan dekcha - quticha degan ma'noda berilgan deb tushuntiriladi.

Topishmoqlarni qayta o`qish orqali asosiy ma'noni bildirgan so`zlarni aniqlash juda ham muhim.

Masalan: Pak-pakana bo`yi bor,
Yetti qavat to`ni bor.

Bu topishmoqda yashirin predmetning asosiy ma'nosini bildirgan so`zlar "pak-pakana", "yetti qavat to`ni" deb ko`rsatiladi. O`quvchilar topishmoqlarning yaratilishi tarixi haqida ham bilimga ega bo`lishi kerak. Xalqimiz o`z qilgan mehnatlari davomida, yashash tarzidan kelib chiqqan holda, tabiat hodisalarini kuzatish orqali ulardan xulosa chiqarib, mana shunday topishmoqlar yaratganliklarini, hozirda esa fan texnikaning rivojlanishi natijasida ko`plab yangi topishmoqlar yaratilayotgani haqida ma'lumot beradi. Topishmoq matnini o`qish davomida o`quvchilar she'riy va nasriy asarlarni o`qish metodikasi bilan ham tanishtirib boriladi. Ba'zi topishmoqlar she'riy uslubda yozilgan bo`ladi.

Masalan, 3-sinfda berilgan she'riy uslubdagi topishmoqlar shular jumlasidandir.

Agar men sizga aytsam,
To`ni yashil beqasam.
To`ni ustida oq yo`l,
Hosil sersuv, mo`l-ko`l.
Yulduzchadek guli bor,
Urug`i ichra qotor.
Chanqoqni bosar biling,
- Aytaylik, bu.....

Bunday topishmoqlarni o`quvchilar ifodali qilib o`qishga o`rgatilsa, o`qish va yodlashlari oson bo`ladi. Topishmoqlarning javobini topish o`quvchilar uchun diqqatni bir joyga to`plab, o`ynashni talab qiladi. Bunda topishmoqlarda yashirin berilgan predmetni eslatish juda muhim. o`quvchilar uchun ba'zan topishmoqlarning javobini topish qiyinchilik tug`diradi. Bunday vaqtda o`sha predmetni ko`rsatish mumkin, yoki bo`lmasa, yashirin predmetni boshqa predmetlar bilan birgalikda ko`rsatilib, topishmoq matni o`qiladi.

O`quvchilar topishmoqda ifodalangan predmet xususiyatini berilgan predmetlar orasidan qidiradilar va mos kelganini topib, topishmoqning javobi ekanligini tekshirib, ko`radilar.

Masalan: To`rtta uning tuyog`i,
Temir mixli tuyog`i.
Manzilga yetishtirar,
Toshday qattiq tuyog`i.

Bu topishmoqning javobini uy hayvonlarining rasmini ko`rsatish orqali toptirish mumkin. Javob topilgach, ot va uning ko`rinishi, uning xalq xo`jaligidagi ahamiyati eslatiladi.

Topishmoqning javobini topishda eslatish usulini aytib o`tgan edik. Biror bir topishmoqning javobini topishdan oldin, o`qilgan matndan yoki she'rdan predmetni izlash tavsiya etiladi. 3-sinfda berilgan topishmoqlar:

Qorday oppoq,

Yungday yumshoq.

Bunday topishmoqlarning javoblarini topishdan oldin, o'tilgan "Paxta boyligimiz" mavzusi eslatiladi. Paxta haqida suhbat o'tkazilib, uni qanday yig'ib-terib olinishi hamda uning mehnati juda og'irligi haqida qisqacha gapirib o'tiladi. Bunda o'quvchilar to'g'ri va aniq fikr yuritishga o'rganadilar, asosiy fikr nima haqida ekanligini tushunib oladilar. Bunday usul o'quvchilarga topishmoqni darslikdagi mavzuga bog'lab o'rganish imkonini beradi.

Topishmoqlarning javobini topishda o'quvchilar mustaqil fikrlaydilar, tez va to'g'ri javobni topishga o'rganadilar.

O'qish darslarida topishmoq o'qib beriladi yoki yoddan aytiladi, o'quvchilar o'ylab, javob topadilar. Bunday topishmoqlarga matni murakkab bo'lmagan topishmoqlar kiradi. 3-sinf darsligidagi topishmoqlar shular jumlasiga kiradi.

1. Qo'l bilan sochar,

Og'iz bilan o'rar.

2. Qo'lsiz, oyoqsiz eshik ochar.

Topishmoqlarni kartochkalarga yozib ham tarqatish mumkin. Bunda o'quvchilarga topishmoqning javobini topishni aytiladi. o'quvchilar topishmoq javobini topishga kirishadilar va topgach, shu o'quvchi topishmoqni sinfga baland ovozda o'qib beradi, so'ng uning javobini aytadi. Bu usul juda foydali bo'lib, sinfdagi hamma o'quvchilar e'tibor bilan topishmoqni eshitadilar, darsda osoyishtalik vujudga keladi, o'zlashtirmovchi o'quvchilarning fikralshlariga, darsda ishtirok etishlariga zamin yaratiladi.

Topishmoqning javobini topishni uyga vazifa qilib berish mumkin. Bunday holda o'quvchi qiynalsa, ota-onasi yoki aka-opalaridan yordam so'raydi. Kelgusi darsda bu topshiriqni o'qituvchi, albatta, tekshirishi lozim. O'tilgan mavzuni so'rash davomida topishmoq javoblari ham so'raladi. To'g'ri yoki noto'g'ri topilganligi o'quvchilar yordamida solishtirib tekshiriladi. O'quvchini baholash jarayonida topishmoqqa berilgan javoblar hisobga olinadi.

Sabzavot va poliz ekinlari haqidagi topishmoqlarni o'rganish jarayonida sabzavotlarni sinfga olib kelish kerak. Agar buning ilojisi bo'lmasa, ularning rangli rasmlaridan foydalaniladi. O'qituvchi quyidagi savollarga javob oladi:

1. Qanday poliz ekinlarini bilasiz?

2. Qaysi o'simliklarning yerdan pastki qismi yeyiladi?

3. Sabzavotlardan qaysilarini bilasiz?

Shundan so'ng topishmoqlarning tahliliga o'tiladi:

Yer ostida oltin qoziq.

O'quvchi: - Bu sabzi. Sabzining rangi sariq yoki qizil bo'ladi. Yer ostida hosil beradi. Shuning uchun "yer ostida oltin qoziq" deyilgan.

O'qituvchi: - To'g'ri. Endi sabzining yeyiladigan qismi nimaga o'xshaydi?

O'quvchi: - qoziqqa o'xshatilgan?

O'qituvchi: - Sabzini qanday holda iste'mol qilasiz?

O'quvchi: - Sabzini xomligicha, tozalab yeyish mumkin, hamda ovqatlarga ham ishlatish mumkin.

O'qituvchi: - O'zbek milliy taomlaridan qaysilariga sabzi ko'proq ishlatiladi?

O'quvchi: - Palovga, qaynatma sho'rvaga...

Demak, yuqoridagi fikrlardan ko'rinib turibdiki, boshlang'ich sinflarda topishmoqlardan foydalanish o'quvchilarda uddaburonlik, topqirlik, tez fikrlay olishlik kabi aqliy qobiliyatlarini oshirish bilan birga eslab qolish, yod olish va faol harakat qilishlariga ham olib keladi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishda topishmoqlarning o'rni va ahamiyati beqiyos ekanligiga yana bir bor ishonch hosil qildik.


Foydalingan adabiyotlar:

1. Abduqudusov O.A. v.b. "Zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari" Toshkent, 2011-yil.
2. Abdullayeva Q. va boshqalar. "O'qish kitobi" 2-sinf uchun darslik. "O'qituvchi" Toshkent. 2008- yil.
3. Do'stxo'jaeva.D. Xalq og'zaki ijodi oilada bolalarni tarbiyalovchi vosita sifatida || Xalq ta'limi, - Toshkent, 2007-yil. №3
4. Umarova M., Hakimova Sh "O'qish kitobi" 3-sinf uchun darslik. "Cho'lpon" Toshkent, 2008- yil.
5. To'xtasheva.B. Nasriy asarlarni o'rganishda "Aqliy hujum" tehnologiyasidan foydalanish || Xalq ta'limi. - Toshkent, 2008-yil, №3.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Ишанова Мухайё Мухтаровна
Андижон давлат университети
Умумий педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

ШАХС ЭМОЦИОНАЛ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТИНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-7>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада эмоционал интеллектнинг психологик хусусиятлари, шахс эмоционал интеллект қобилиятининг шакллантириш усуллари, emotional интеллект (EI) tadqiqotlarining tobora ommalashuvi global ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar sharoitida tashqi muhitdagi insonga beqarorlashtiruvchi ta'sir bilan chambarchas bog'liqligi, hissiy aql qobiliyatini o'lchashga qaratilgan metodikalар мохияти, Qobiliyatlar modeli doirasida эмоционал интеллект talqinining o'ziga xosligi diagnostika vositasi uchun muayyan talablari хақида va эмоционал интеллектning qobiliyat sifatida tan olinishi uchun tegishli usullar bilan, psixologik bilim va hissiy qobiliyatlarga mos ravishda o'lchanishi зарурийлиги хақидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: Эмоция, интеллект, қобилият, ақл, ақл модели, тест, standartlashtirish bosqichida professional, o'zaro madaniy farqlar, aqliy salomatlikning buzilishi sub'ekt, iqtisodiy farovonlik, o'ziga xos xususiyatlar, Ekspluatatsion faktor, komponent, hissiy aql, his-tuyg'ular, qobiliyat, test, tizimli haqiqiylik, ishonchlik, psixometrik tekshirish.

Ишанова Мухайё Мухтаровна
Андижанский государственный университет
Старший преподаватель кафедры общей педагогики

МЕТОДЫ ИЗМЕРЕНИЯ ЭМОЦИОНАЛЬНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ ЛИЧНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматриваются психологические особенности эмоционального интеллекта, методы формирования эмоциональных интеллектуальных способностей личности, все более популярное исследование эмоционального

интеллекта (ЭИ), тесно связанное с нестабильным воздействием на человека во внешней среде в условиях глобальных социально-экономических изменений, суть методик, направленных на измерение эмоциональных умственных способностей, В рамках модели способностей изложены мысли о том, что специфика интерпретации эмоционального интеллекта должна быть измерена в соответствии с психологическими знаниями и эмоциональными способностями, с определенными требованиями к диагностическому инструменту и соответствующими методами для признания эмоционального интеллекта в качестве способности.

Ключевые слова: эмоции, интеллект, способность, модель ума, тест, профессиональная, межкультурная дифференциация на этапе стандартизации, нарушение психического здоровья субъект, экономическое благополучие, специфические особенности, эксплуатационный фактор, компонент, эмоциональный интеллект, эмоции, способность, тест, системная реальность, надежность, психометрическая проверка.

Isanova Mukhaye Mukhtarovna

Andijan State University

Senior Lecturer, Department of General Education

METHODS OF MEASURING EMOTIONAL ABILITIES OF PERSONALITY

ABSTRACT

This article discusses the psychological characteristics of emotional intelligence, methods of forming the emotional abilities of a person, the increasingly popular study of emotional intelligence (EI), closely related to the unstable impact on a person in the environment in the context of global socio-economic changes, the essence of methods aimed on the measurement of emotional mental abilities, Within the framework of the model of abilities, thoughts are stated that the specifics of the interpretation of emotional intelligence should be measured in accordance with psychological knowledge and emotional abilities, with specific requirements for a diagnostic tool and appropriate methods for recognizing emotional intelligence as an ability.

Keywords: emotions, intelligence, ability, mind model, test, professional, intercultural differentiation at the standardization stage, mental health disorder, economic well-being, specific features, operational factor, component, emotional intelligence, emotions, ability, test, system reality, reliability, psychometric verification.

Жамият taraqqiyoti va ravnaqi ko'p jihatdan xalqning dunyoqarashining kengligi, intellektual salohiyati bilan belgilanadi. Chunki, ilmiy potentsiali yuqori darajada rivojlangan mamlakat barcha sohalarida doimo ilg'or bo'ladi. Emotsional intellekt hayotning barcha sohalarida muvaffaqiyatning mutlaq kaliti sifatida taqdim etadilar. Emotsional intellektni o'rganish yuqori darajadagi aloqa rivojlanishiga qanday hissa qo'shishi va natijada yangi sharoitlarga yaxshiroq moslashish [1], maqsadlarga erishish [4], kasbiy martabaga ega bo'lish [9] va shaxsiy hayotdagi muvaffaqiyat [9]. Boshqa tomondan, bugungi kunda emotsional intellekt va farovonlik o'rtasidagi aniq bog'liqlikni ko'rsatadigan tadqiqotlar etarli emas. Bundan tashqari, J. Mayerning fikriga ko'ra, emotsional intellekt muammoli

xatti-harakatlar bilan, shaxsiy tashvishlarning yuqori darajasi bilan bog'liqdir. Yondashuvlardagi farqlarga qaramay, turli xil konsepsiyalar vakillari emotsional intellekt shaxsiyatning ijobiy omillaridan biri bo'lib, uni rivojlantirish kerak. Biroq, bu fikr eksperimental tadqiqotlar tomonidan etarli darajada qo'llab-quvvatlanmadi. Tuyg'ularni o'rganishning boshqa rivojlangan yo'nalishlari mavjud. Zamonaviy psixologiyada ma'lum ijtimoiy guruhlarda hissiy aqlni o'rganish bilan bog'liq amaliy tadqiqotlar mavjud: talabalar [6], menejerlar [1]. Talabalar kabi ijtimoiy guruhlarda. Tadqiqotlar faqat diagnostika materiallarini ishlab chiqish va sinash bilan cheklangan edi [2]. Shu bilan birga, zamonaviy talabalarga juda katta talablar qo'yiladi: chunki hayot yo'lining boshida erishilgan boshlang'ich pozitsiyalar yoshlarning kelajakda o'zini namoyon qilishi uchun zarur shartdir. Emotsional intellekt darajasini aniqlashga qaratilgan xorijiy manbalarda turli xil usullar mavjud. Shaxsga xos emotsional intellekt darajasini aniqlash bo'yicha quyidagi o'lchash usullari va ularning kullanishini ko'rib o'tamiz.

Xorij psixologlaridan J.D. Mayers, P. Saloveya va D. Caruso va R. Plutchiklar tomonidan olib borilgan tajribalarga ko'ra shaxs emotsional intellektual kobilyatini o'rganish uchun amaliy usullardan foydalanish samaraliroq ekanligini ta'kidlaydilar. Ularning fikricha emotsional intellektni o'lchash uchun psixometrik tekshiruv testlar yordamida - aql modeli asosida qurilgan hissiy aql testidan foydalanish mukinligini asoslab beradilar. Va his-tuyg'ularining psixo-evolyutsion nazariyasiga asos soladilar. Test ishlab chiqishda MSCEIT texnikasining moslashuvi va standartlashtirilishi natijasida yuzaga kelgan muammolar hisobga olingan. Test metodologiyasida MSCEIT metodologiyasidan farkli kengrok va savollarning ko'pligidir. Bu esa bir vaqtning o'zida ikki xil yo'nalishda hissiy aql qobiliyatini o'lchashga qaratiladi: ya'ni:

- his-tuyg'ularni aniqlash va
- his-tuyg'ularni tushunish.

Bu o'zaro ta'sir sharoitida hissiy holatlardagi o'zgarishlarning dinamikasini tushunishga imkon beradi.

His-tuyg'ularni identifikatsiyalash "yuz" va "tasvirlar" bilan bog'liq bo'limlarda o'ziga xos rag'batlantiruvchi material yaratildi. Texnikaga kiritilgan o'zgarishlar texnikaning rus tilidagi versiyasini - MSCEIT prototipi ni moslashtirish vastandardlashtirish jarayonida yuzaga kelgan muammolarni bartaraf etadi.

Test texnikasining nazariy tuzilishi, emotsional intellektning o'lchashda turli yondashish imkonini beradi. Ya'ni emotsional itellektni o'lchashda qobiliyatlarni bir vaqtning o'zida turli ko'rinishda shakllanishini o'lchash mumkindir. Emoqional intellektual kobilyatlarni o'lchash orkali shaxsning his-tuyg'ularini boshkara olishini aniqlash mumkin bo'ladi.. Shu bilan birga,tajpma natijalarida aniklanganligiga e'tibor karatidigan bo'lsak, shaxsning istikbolli yo'nalishi shaxs boshkaruvidagi xissiy akl idrokning tashki ta'sirlarga yuerilishi asosidagi susaygani kuzatiladi. Test metodologiyasining psixometrik tekshiruv natijalari test uslubiyatining haqiqiyligi va ishonchliligi haqida psixodiagnostik vosita sifatida xulosa chiqarishga imkon beradi, bu esa hissiy aqlning hozirgi darajasini o'lchash imkonini beradi.

Emotsional intellekt (EI) tadqiqotlarining tobora ommalashuvi global ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar sharoitida tashqi muhitdagi insonga beqarorlashtiruvchi ta'sir bilan chambarchas bog'liqdir. Piter Salovey va jon Mayer,1999] emotsional intellektual kobilyatga boglik kontseptsiyani taklif qilgandan buyon ushbu tadqiqot sohasiga ilmiy qiziqish ortib bormoqda, ularning yo'nalishlari ham kengaymoqda. Shu bilan birga, xorijiy tadqiqotlarning aksariyati emotsional aqlni rivojlantirish darajasini biznes va martaba kabi sohalarda shaxsning muvaffaqiyati bilan bog'lash masalasini hal qilishga

qaratilgan. Uni kontseptualizatsiya qilish

P. Salovey va D. Caruso hissiy aqlni o'zlarining hissiy holati va reaksiyalari va boshqa odamlarning his-tuyg'ulari haqida ma'lumotni qayta ishlash qobiliyati, shuningdek, fikrlash va faoliyat samaradorligini oshirish uchun his-tuyg'ulardan foydalanish qobiliyati sifatida aniqlaydilar. Hissiy aqlning yuqori darajadagi rivojlanishiga ega bo'lgan odamlar his-tuyg'ularga e'tibor berishadi va hissiy ma'lumotlarni o'z faoliyatiga birlashtira oladi, shu bilan ularning adaptiv funktsiyalarini oshiradi. atamasi kiritilgandan o'n yil o'tgach, ilmiy kundalik hayotda ushbu hodisaning turli xil nazariyalari, modellari va talqinlari paydo bo'ldi.

G'arb psixologlaridan D. Maeyers, P. Salovey va D. Carusolar emotsional intellektual qobiliyatlarning barcha mavjud nazariy modellarini tasniflash variantini taklif qiladi, ularni aralash modellarga va qobiliyat modellariga bo'lishdi. Ular aralash modellarga emotsional intellekt nazariyasini kiritdilar, bu hodisani shaxsiy xususiyatlarda nomoyon bo'lishining o'ziga xosligini ko'rsatib beradilar. Mayer, his-tuyg'ular va aql xususiyatlariga xos nazariy konsepsiyasi va akl nazariyasining asosida qobiliyat modellari yotishini ta'kidladi. Ular emotsional intellektual qobiliyatning bilish faolligi bilan bog'lash orkali shaxs qobiliyatini tashki ta'sirlarning maxsus turini - hissiy ma'lumotlarni qayta ishlash qobiliyatiga ega bo'lishini asoslab beradilar [2]

Emotsional intellektning aralash modellari doirasida dizaynni o'lchash uchun tegishli nazariyalar mualliflari so'rovnomalar usullarini taklif qilishadi. Qobiliyatlar modeli doirasida emotsional intellekt talqinining o'ziga xosligi diagnostika vositasi uchun muayyan talablarni qo'yadi va emotsional intellekt ning qobiliyat sifatida tan olinishi uchun tegishli usullar bilan, psixologik bilim va hissiy qobiliyatlarga mos ravishda o'lchash orkali shaxs emotsional intellektual qobiliyatini o'rganishda muxim rol o'ynaydi. Ushbu maqsadga erishish uchun psixolog olimlar MSCEIT metodologiyasini ishlab chiqadilar va bu fanni takomillashtirishda katta yutuk bo'ladi. Bu usullar og'zaki va og'zaki bo'lmagan vazifalarni o'z ichiga oladi, bu esa to'g'ri va noto'g'ri javoblarning mavjudligini bildiradi. Bir qator ma'lumotlarga ko'ra, emotsional intellektning qobiliyat modelidagi rolini o'rganish natijalarning ishonchliligi va haqiqiyiligiga ega:- metanalizga ko'ra, [12. 2017] emotsional intellektning rivojlanish dasturlarining samaradorligi haqida eng samarali usullarni ishlab chiqadilar.

Xulosa qilib aytganda shaxsning emotsional intellektual qobiliyatlarini shakllanishini aniklash, va akl koeffitsentini o'lchash bo'yicha kator metodikalar ishlab chikilgan va ular bugungi kunda amaliy psixologiya soxasini rivojlantirish va takomillashtirishda katta ahamiyatga ega bo'lgan usullardan hisobdanadi. Shunday qilib, psixometrik tekshiruv qobiliyat modeli doirasida hissiy aqlni o'lchash uchun ob'ektiv vosita sifatida tan olish imkonini beradi, shuningdek, intellektual qobiliyatining ierarxik modelining to'rt faktorli tuzilishini tasdiqlaydi. Keyinchalik, ushbu texnikani emotsional intellekt darajasini insonning samaradorligi va psixologik farovonligining turli ko'rsatkichlari bilan bog'lash, o'rganilayotgan parametrlarning turli yosh bosqichlari o'rtasidagi farq va xususiyatlarini aniqlash uchun foydalanilgan. Bundan tashqari, tadqiqot natijalari inson resurslarini rivojlantirishning individual dasturlarini yaratish, kasbiy faoliyatning muvaffaqiyatini oshirish, tanlash, attestatsiya qilish, tashkilotlarda ta'lim tizimiga kirish uchun ishlatilishi imkrnini beradi.

Адабиётлар

1.Сергиенко Е.А., Ветрова И.И. Тест Дж.Мэйера, П.Сэловея и Д.Карузо

"Эмоциональный интеллект" (MSCEIT v. 2.0). Руководство. М.: Институт психологии РАН, 2010

2. Mayer J.D., Caruso D.R., Salovey P. The ability model of emotional intelligence: principles and updates. *Emotion Review*, 2016, 8(4), 290-300.

3. Mayer J.D., Caruso D.R., Salovey P. Emotional intelligence meets traditional standards for an intelligence. *Intelligence*, 1999, 27(4), 267-298.

4. Mayer J.D., Salovey P., Caruso D.R. Emotional intelligence: Theory, findings, and implications. *Psychological Inquiry*, 2004, 15(3), 197-215.

6. N?lis D., Kotsou I., Quidbach J., Hansenne M., Weytens F., Dupuis P., Mikolajczak M. Increasing emotional competence improves psychological and physical well-being, social relationships, and employability. *Emotion*, 2011, 11(2), 354-366.

7. Plutchik R. A general psychoevolutionary theory of emotion. In: R. Plutchik, H. Kellerman (Eds.), *Emotion: Theory, research, and experience*. New York, NY: Academic, 1980. Vol. 1, pp. 3-33


8. Salovey P., Mayer J.D. Emotional intelligence. *Imagination, Cognition, and Personality*, 1999, Vol. 9, 185-211.

9. Baratov SH.R. O'Quvchi shaxsini o'rganish usullari-T .: Ukituvchi, 1995-56 b.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Юнусзода Шахноза Жовиджоновна
Магистр кафедры психологии
Самаркандского Государственного Университета

ИМИДЖ СОВРЕМЕННОГО ПЕДАГОГА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-8>

АННОТАЦИЯ

В статье дано анализ актуальности и значимости проблемы формирования имиджа педагога в современных условиях развития образования. Грамотно созданный имидж преподавателя вызывает уважение у учащихся и повышает авторитет у учащихся.

Ключевые слова: имидж педагога, физический имидж, психологический имидж, социальный имидж, педагогическая этика, вербальное поведение.

Yunuszoda SHaxnoza Jovidjonovna
Psixologiya magistri Samarkand Davlat Universiteti

ZAMONAVIY OQITUVCHINING IMIDJI

ANNOTATSIYA

Maqolada talim rivojining zamonaviy sharoitlarda oqituvchining imidjini shakllantirish muammosining dolzarbligi va ahamiyati taxlil qilinadi. Oqituvchining mahorat bilan yaratilgan qiyofasi talabalar orasida hurmatni uygotadi va talabalarning ishonchini oshiradi.

Kalit sozlar : oqituvchining imidji, jismoniy imidj, psixologik imidj, ijtimoiy imidj, pedagogic axloq, verbal hati harakatlar.

Yunuszoda SHaxnoza Jovidjonovna
Master of psihology Samarkand State University

IMAGE OF MODERN TEACHER

ABSTRACT

The article analyzes the problem of forming the image of a teacher in modern

conditions of educational development. A competently created image of the teacher inspires respect among students and increases the credibility of students.

Key words: image of the teacher, physical image, psychological image, social image, pedagogical ethics, verbal behavior.

Понятие "имидж" давно на слуху. Как это ни покажется неожиданным, но первыми активно начали работать с ним экономисты, занимающиеся предпринимательством. Известен такой факт американский экономист Болдуинг в 60-х годах XX века ввел в деловой оборот понятие "имидж" и обосновал его полезность для делового преуспеяния.

Затем "имидж", как специфический феномен, был взят на вооружение нарождающейся политологией, специалисты увидели в нём важное направление своей работы. Политологам известны работы Никколо Макиавелли "Государь" и Г. Лебона "Психология социализма", в которых дано научно-прикладное обоснование практической ценности этого феномена. Макиавелли убедительно показал, какое значение для государственного лица имеет обладание соответствующей "личиной" (маской), а Лебон интерпретировал смысл имиджирования как средство достичь политического успеха благодаря эффекту "личного обаяния".

Психологическое обоснование имиджирования стало объектом и предметом исследования социальных и политических психологов. Владея знаниями законов процесса социального восприятия и субъектного осознания внешнего образа, они придали этой проблеме теоретико-прикладное обоснование.

Качество образования представляется через показатель профессиональной компетентности, понимаемый как соответствие педагога динамичным требованиям социально-экономической и культурно-профессиональной сфер жизни. Обращение к формированию имиджа педагога вызвано повышенными требованиями рынка труда к профессионализму специалиста, а также изменениям внутри рынка образовательных услуг, такими как конкуренция и внедрение новых технологий. Формирование имиджа педагога имеет важное значение в профессиональной деятельности.

Мастерство, имидж, современного педагога формируется через постоянную систематическую профессиональную работу по самообразованию.

Сегодня много говорят о профессиональном имидже, которому должны соответствовать представители разных профессий - учитель, врач, политик, актер и т.д. Секрет профессионального успеха напрямую связывают с тем, насколько успешно человеку удастся создать облик, соответствующий ожиданиям других людей.

Педагог - профессия особая, поскольку рядом с ним всегда находится коллектив людей: учащиеся, родители, коллеги по работе. Это те люди, которые всегда на виду. С самого порога класса начинается тонкое взаимодействие педагога с учениками, результат которого зависит от отношения учителя к миру, окружающим людям, к себе.

Актуальность и значимость проблемы формирования имиджа педагога в современных условиях развития образования и общества недооценить трудно. Современные дети и их родители довольно серьезно относятся к имиджу педагога.

Условия работы в сегодняшних образовательных организациях требуют от

педагогов поиска путей повышения их репутации и авторитета в глазах окружающих. И без сознательного построения своего профессионального имиджа не обойтись. Проблема имиджа педагога является актуальной в условиях развития субъект-субъектных отношений, когда личность, ее качества становятся основой взаимоотношений, особенно, на современном этапе, когда происходит снижение статуса преподавателя.

Деятельность педагога направлена не только чтобы обучить чему-либо, но и, прежде всего для того чтобы воспитать. Как говорится: "Подобное рождает подобное" - имидж педагога оказывает особое формирующее воздействие на детей младшего возраста и лежит в основе процесса формирования феномена детских впечатлений.

Грамотно созданный имидж вызывает уважение у учащихся и повышает авторитет педагога. Позитивный имидж учителя сегодня важен не только для его учеников - как личный пример успешного человека, которого они постоянно видят перед собой, но и для самого педагога - для моральной, психологической удовлетворенности своей значимостью в этом мире.

Для начала необходимо определить, что же собой представляет образ человека или его имидж. Так физический имидж - это здоровье, стиль одежды, прически и макияжа. Психологический имидж - характер, темперамент, внутренний мир.

Социальный имидж - роль в обществе, поведение и коммуникативные особенности. Эти направления переплетаются и образуют единое целое. [1, С. 54-59]

В. Н. Черепанова представляет следующее определение: "Имидж - это целенаправленно сформированный интегральный, целостный, динамичный феномен, обусловленный соответствием и взаимопроникновением внутренних и внешних индивидуальных, личностных и индивидуальных качеств субъекта, призванный обеспечить гармоничное взаимодействие субъекта с природой, социумом и самим собой". [4, С. 12-13]

А.Ю. Панасюк определяет имидж человека как мнение об этом человеке у группы людей в результате сформированного в их психике образа этого человека, возникшего вследствие прямого их контакта с этим человеком или вследствие полученной об этом человеке информации от других людей.

Таким образом, можно сказать, что имидж - это образ, включающий внутренние и внешние характеристики. Теперь необходимо понять, что является составляющими образа педагога или педагогического имиджа. Так, согласно А.А. Калюжному, "Имидж педагога - это эмоционально окрашенный стереотип восприятия образа учителя в сознании воспитанников, коллег, социального окружения, в массовом сознании.

При формировании имиджа учителя реальные качества тесно переплетаются с теми, которые приписываются ему окружающими". [2, С. 25-31]

В узком смысле, имидж педагога - это образ одного учителя, в сознании которого происходит выбор определённой манеры поведения, выраженной в индивидуальном стиле деятельности, (в одних случаях осознанный, а в других носящий случайный характер); который находит конкретное внешнее проявление через внешний облик педагога, его речь, выразительность его движений, мимики в совокупности с его эстетическим оформлением (одеждой, причёской, макияжем и прочими атрибутами внешности); а также через предметно-пространственную среду, в которой осуществляется профессиональная деятельность этого учителя.

Имидж есть у каждого педагога вне зависимости от его личных взглядов на эту тему. Процесс построения имиджа зависит во многом от самого педагога. Л.М. Митина в структуре имиджа профессионала выделяет внешний, процессуальный и внутренний компоненты. Внешняя составляющая включает мимику, жесты, тембр и силу голоса, костюм, манеры, походку. Внешний вид преподавателя может создать рабочее и нерабочее настроение на уроке, способствовать или препятствовать взаимопониманию, облегчая или затрудняя педагогическое общение.

Профессиональная деятельность раскрывается через такие формы общения, как профессионализм, пластичность; выразительность и т.д. Эмоционально богатый педагог способен оживить урок, сделать его экспрессивным, приблизить к естественному общению.

В создании образа педагога большую роль играет педагогическая этика, которая включает в себя такие категории, как профессиональный педагогический долг, педагогическая справедливость, педагогическая честь, педагогический авторитет, педагогическая совесть и педагогический такт.

Педагогический этикет включает в себя правила культуры поведения, которые регулируют взаимоотношения между педагогами и учащимися, педагогом и родителями, педагогом и педагогом. К ним относятся: уважение к учащемуся, его родителю, коллеге, стремление установить доброжелательные, творческие отношения. Педагогический этикет проявляется в профессиональном имидже, речевой манере, в реальном поведении.

Соблюдение правил педагогического этикета помогает укреплению авторитета педагога среди учащихся, созданию благоприятного психологического климата в среде учащихся, способствует установлению правильных взаимоотношений как с группой учащихся, так и с отдельными учащимися. Педагогу необходимо сдерживать свои отрицательные эмоции, у него не должно быть повышенного тона, несдержанности и мимики недовольства при выслушивании ответов.

Не менее важным компонентом является визуальная привлекательность педагога, выступающая первостепенной составляющей имиджа педагога. Облик педагога должен внушать уважение и доверие, выступать продолжением его достоинств. Каждый педагог должен приятно выглядеть.

Важное значение здесь имеет и цветовая гамма рабочего костюма, и правильно выбранный макияж, и аккуратная стрижка или укладка.

Личное обаяние педагога способствует формированию позитивного отношения учащихся к нему, делает общение с ним приятным и комфортным. Педагог может терять авторитет учащихся потому, что неинтересен как личность. А без интереса к личности педагога нет интереса к предмету. Таким образом, интерес к личности педагога выступает как средство активизации интереса к предмету. Поэтому образ педагога должен вдохновлять.

Также в формировании образа педагога важную роль играет вербальное поведение. От совершенства речи педагога зависит качество освоения учебного материала.

Восприятие и понимание речи педагога учащимися связаны с процессом учебного слушания, на которое приходится приблизительно 25-50% учебного времени. Учащиеся довольно чутки к речевым особенностям педагога. Поэтому владение речью выступает одной из важнейших профессиональных составляющих педагога, которая включает в себя способности ясно и четко выражать свои

мысли и чувства с помощью речи, а также мимики. Речь педагога должна отличаться внутренней силой, убежденностью, выражение мысли - ясностью, простотой.

Для восприятия педагога учащимися не меньшее значение имеет культура речи - произношение, манера говорить, дикция, грамотность. Также важны эмоциональная окрашенность речи, положительная оценка учащихся, похвала, которая стимулирует положительное отношение учащихся к себе, веру в свои силы.

Не менее важно невербальное поведение (мимика, жесты, позы, взгляд, походка, осанка). Внимательный взгляд, доброжелательная улыбка, приветливые жесты действуют располагающе, а поясняющая жестикуляция способствует лучшему усвоению информации. Важно помнить, что профессия педагога связана с популярностью и авторитетом среди широких слоев населения, а их профессиональная успешность определяется привлекательностью их образа, что обуславливает необходимость овладения технологией формирования и корректировки своего имиджа.

Для педагогов это значимо потому, что важными инструментами их профессиональной деятельности являются общение и воздействие на людей. Древнегреческий философ Ксенофонт сказал: "Никто не может ничему научиться у человека, который не нравится".

Педагог, который занимается созданием собственного имиджа, не только лучше выглядит, но и лучше себя чувствует, более уверен, а в итоге успешнее работает. Имидж любой школы будет определяться и имиджем работающих в ней педагогов и обучающихся в ней учеников. [3]

Список литературы:

1. Збронская М.А. Внутренняя структура имиджа. - М.: Синтон, 2005.- 305 с.
2. Калюжный А.А. Технология построения имиджа учителя. Гуманитарное образование в школе: теория и практика. 2004. - № 5.
3. Татарина Н.В. О понятии "Имидж" и его отличии от сходных с ним понятий "Образ", "Репутация", "Стереотип". Грамота, - 2009. - № 2.
4. Черепанова В.Н. Педагогическая имиджелогия. - Тюмень: ТОГИРРО, 1998. - 296 с
5. Артамонова Е.И. Компетентностный подход в формировании личности педагога-профессионала / Е.И Артамонова // Педагогическое образование и наука. - 2008. - № 10.
6. Берд П. Продай себя. Тактика улучшения вашего имиджа / П. Берд пер. с англ. Т.А. Сиваковой. - М.: Амалфея, 1997. - 371 с.
7. Капустина З. Имидж современного педагога /З. Капустина // Учитель.2006. - №1.
8. Попова Л. Имидж современного педагога / Л. Попова // Учитель. - 2002. - №6.

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Кўчқарова Феруза Махамматқосимовна,

Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий маркази, Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим методикалари кафедраси мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Каримов Ўлмасбек Умаралиевич,

Фарғона давлат университети, ўқитувчи
Мухаммаджонов Хожиакбар Зафаржон ўгли,
Тошкент ахборот технологиялар университети
Фарғона филиали, талаба

**МАКТАБДА УСЛУБИЙ ИШЛАР БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ
ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ
СИФАТИДА**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-9>

АННОТАЦИЯ

Мақолада замонавий бошланғич таълим тизимидаги муаммолар таҳлил этилган. Унда замонавий бошланғич таълим ўқитувчисининг ўз касбий маҳорати ва малакасини оширишида инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиши зарурлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: бошланғич таълим, бошланғич таълим ўқитувчиси, кичик мактаб ёшидаги ўқувчи, компьютер, ахборот технологиялари.

Кучқарова Феруза Махамматқосимовна,

Андижанский областной региональный учебный центр народного образования, Заведующий кафедры дошкольных, начальных и специальных методик, доктор философских наук (PhD)

Каримов Улмасбек Умаралиевич,

Ферганский государственный университет, преподаватель
Мухаммаджонов Хожиакбар Зафаржон ўгли,
Ташкентский университет информационных технологии
Ферганский филиал, студент

МЕТОДИЧЕСКАЯ РАБОТА В ШКОЛЕ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ПОДГОТОВКИ УЧИТЕЛЯ К ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются проблемы в системе начального образования. Подчеркивается необходимость эффективного использования инновационных технологий при повышении профессиональной компетенции и квалификации современного учителя начального образования.

Ключевые слова: начальное образование, учитель начальной школы, ученик школьного возраста, компьютер, информационные технологии.

Kuchkarova Feruza Makhammatkosimovna,

Primary and special methods of the department of Andijan regional training center for public education, head of preschool, doctor of philosophy (PhD)

Karimov Ulmasbek Umaraliyevich,

Fergana state university, teacher

Muhammadjonov Khojiakbar Zafarjon ugli,

Fergana branch of Tashkent university of information technologies, student

METHODOLOGICAL WORK AT SCHOOL AS A FACTOR OF DEVELOPMENT OF TEACHER PREPARATION FOR INNOVATIVE ACTIVITY

ANNOTATION

the article discusses problems in the primary education system. The necessity of the effective use of innovative technologies while enhancing the professional competence and qualifications of a modern primary education teacher is emphasized .

Keywords: elementary education, elementary school teacher, student of school age, computer, information technology.

Бугунги жадал ривожланувчи давр талабларига мувофиқ, ўзгарувчан замонавий мактаб таълими олдида таълим мазмуни ва тузилмасига янги ёндашув зарурати мавжудлиги сабабли кўплаб долзарб вазифалар юзага келди. Эндиликда замонавий ўқувчи - ўқитишда анъанавий таълим-тарбия усулларида фойдаланиб эмас, балки уларга мустақил билим олиш ҳамда эгаллаган билимларини такомиллаштиришга интилиш малакаларини шакллантириши ҳамда ўргатиши зарур.

Шунинг учун ҳам ўқитувчининг ўзи касбий-мутахассислик маҳоратига эга бўлиши, ҳозирги давр талабларига жавоб берувчи янги замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни билиши шарт. Ҳар қандай фан ўқитувчиси, хусусан, бошланғич таълим ўқитувчиларининг ҳам педагогик фаолиятдан мақсад - ўқувчиларга келажакда замонавий жамиятда талаб этиладиган етук баркамол шахс бўлиш, ижодий тафаккурга эга, интилувчан инсон бўлиб етишларига тайёрлаш ҳамда замонавий билим беришга эришишдан иборат.

Маълумки, бундан бир неча ўн йилликлар илгари жамият мактаб таълимидан

яхши ижрочи шахсларни тарбиялашни талаб этган бўлса, ҳозирги даврда эркин интилувчан, ижодий тафаккурга эга, масъулиятли, инсонпарвар, келгусида мустақил ривожланишга қодир, баркамол шахсларни тарбиялаб етиштириш талаб этилади.

Замонавий ўқитувчи ўқувчиларни ўқитишда ўз тажрибаси, билими, малакаси ва аниқ бир муаммоларни ҳал этишда шахсий хусусиятларидан фойдаланади. Шу билан бирга, мактаб таълими, айниқса, бошланғич таълим давридан бошлаб, ахборотли ўқитиш усулидан фаол ижодий фаолият усулига ўтиши зарур.

Бу ўқувчилар учун билимларга шунчаки эга бўлишнигина эмас, балки қуйидаги:

- ахборотларни топа билиш;
- ўзлаштирилган таълимий ахборотларни таҳлил қила билиш;
- ўзлаштирилган билимлардан фойдалана билиш учун шароитлар яратиш заруратини белгилайди.

Бунда ўқувчилардан замонавий таълим усуллари таяниб, оддий ва қизиқарли бўлмаган ахборотли дарсни қизиқарли тарзда ўтиш, кичик мактаб ёшида ўқувчи билан замонавий тилда мулоқотда бўлиш ҳамда таълим бериш талаб этилади.

Бугунги кун ўқитувчисидан синфга кириб келишида шу каби кўплаб масалаларни ҳал этиши зарур бўлади. Ҳар бир ўқитувчи мазкур муаммоларни ўз билим ва малакаларига мувофиқ ҳал этади. Шу сабабли ўқувчи болалар шахсининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим бўлган ўқув ахбороти материални янги инновацион таълим усуллари таяниб, етказиш йўллари топиш зарур. Бундай усулларни топишда эса ўқитувчининг касбий-мутахассислик салоҳияти юқори даражада бўлиши, яъни мунтазам замонавий билимлардан хабардор бўлган ҳолда, изланиши шарт бўлиб ҳисобланади. Мазкур масалалар ҳозир ҳар бир ўқитувчи олдидаги долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Янги таълим усулига ўтиш - бу таълим тизимини самарали бошқариш учун жиддий асос бўлган давлатнинг жамиятга нисбатан муносабатлари, талаблари ва мажбуриятлари тизимининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи анъанавий таълим усулидан замонавий инновацион ёндашув усулига ўтишдир.

Маълумки, шахс камолоти, саводхонлигининг бошланғич пойдевори бошланғич синфларда қўйилади. Бошланғич синфларда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш кўникма ва малакалари шаклланади, шу сабабли ҳам бу давр инсон ҳаётида муҳим ўрин тутди. Замонавий таълим методологик асосини қуйидаги:

- тизимли-фаолиятли;
- таълимда лойиҳали-тадқиқот фаолияти;
- компетентли ва аксиологик ёндашув стандартлари ташкил этади.

Тизимли-фаолиятли ёндашув таълим натижаларига таъсир кўрсатади, бунда ўқувчи шахси ривожланиши универсал ўқув ҳаракатлари, оламни англаш ва ўзлаштиришга асосланади. Таълим фаолиятини ташкил этиш усули орқали таълим мазмунига эришилади.

Бироқ замонавий таълимий ҳамда ахборот технологияларини жорий этиш билан таълимда анъанавий ўқитиш методикасидан тўлиқ воз кечилмайди, балки унинг бир таркибий қисмини ташкил этади халос. Ахир педагогик технология - бу таълим назариясига ва режалаштирилган натижаларга асосланган ўқитиш методлари, методик усуллар, ўқиш фаолиятини ташкил этиш шакллари йиғиндисидир.

Ўқитувчи кўп йиллар мобайнида тажрибаларни орттириши, малака эгаллаши

осон эмас. Уларда ўқувчиларга олдиндан тайёр жавобларни бериб, уларнинг хатоларини тузатиш истаги жуда кучли бўлади.

Бу борада ўқувчилар ҳам қатор муаммоларга дуч келади: улар ўқитувчини ўзларига ёрдамчи, билим эгаллаш фаолиятларининг ташкилотчиси сифатида кўришга одатланмаганлар. Замонавий таълим тизими ўқитувчига кўплаб инновацион методикалар орасидан "ўз усулини" танлаб олиш, ўз иш тажрибасига янгича ёндашиш имконини бермоқда. Бунда бошланғич таълим ўқитувчисининг асосий услубий иши ҳисобланиши зарур. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг ахборот тармоқларидаги уюшмалари орқали ҳам ижодий ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашишлари амалга оширилмоқда. Бундай ишлар ўқитувчиларга янги қарорлар ва фармонлар, янги билимлар, ҳамкасблар билан қизиқарли мулоқот, ҳамкорликда ишлаш ва тажриба алмашиш, шахснинг ўз-ўзига баҳосининг ошиши кабиларни таъминламоқда.

Бундай услубий ишларда ўқитувчининг олдига қўйиладиган асосий мақсад - ўқитувчининг мунтазам равишда ўз касбий маҳоратини ошириши, уни иш жараёнидаги долзарб ва самарали ёндашувлар билан таъминланиши ҳисобланади.

Шу тариқа, услубий ишлар ёрдамида педагогик маҳоратни ошириш методларига қуйидагилар киради:

- замонавий бошланғич таълим муаммоларига оид янги илмий ишларни мунтазам равишда ўрганиб бориш;
- бошқа ўқитувчиларнинг дарс машғулотларини турли шаклларда ўтказишга бағишланган илғор ишланмалари билан танишиб бориш;
- мутахассислар томонидан таҳлил қилиниши орқали янги ўқитиш дастурлари ва ғояларини ўрганиш;
- турли муаммоларга бағишланган курсларда ўқиш, мастер-класслар, семинар, конференцияларда қатнашиш орқали ўз маҳоратини мунтазам ошириб бориш;
- малака тоифасини ошириш учун бор имкониятларини ишга солиш;
- янада чуқур касбий-услубий билим ва малакалар эгаллаш, касбий компетентлиги бўйича тайёргарлик даражасини оширишга эътибор қаратган ҳолда мустақил таълим олиш;
- бошқа ҳамкасбларнинг дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш, дарсларни лойиҳалаштириш, интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланишга доир уларнинг фикр-мулоҳазалари билан таниш;
- ижодий педагогик ишлар кўргазмаларида қатнашиш ва ҳ.к.

Ўқитувчилар услубий ишларининг замонавий шаклларида бири интернетда ўз синфининг сайти ташкил этиш ҳисобланади. Бундан ташқари, бугунги кунда бошланғич таълим ўқитувчилари томонидан эълонлар, зарур хабарларни етказиш, болаларнинг таълим-тарбияларини муҳокама қилишда ота-оналар билан доимий ўзаро алоқада бўлиш мақсадида интернетдаги турли ижтимоий тармоқлардан фаол ва самарали фойдаланиб келинмоқда. Буларнинг барчаси бугунги кунда замонавий бошланғич таълим ўқитувчисининг ахборот саводхонлигига эга бўлиши зарурлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ҳар бир ўқитувчи таълимдаги уни қизиқтирган муаммо устида ишлаши, ўрганган материалларини амалиётда қўллаши муҳим. Бундай ишларнинг натижалари - мактаб ўқитувчилари, ўқувчиларнинг оталар-оналари учун очиқ дарслар, шахсий портфолио яратиш, синфдан ташқари тадбирларни ўтказиш, услубий ва педагогик кенгашларда маърузалар ўқиш, услубий тавсиялар ишлаб чиқиш кабиларда акс этиши мумкин. Буларнинг барчаси ўз касбий тажрибаларини

тизимли равишда умумлаштириш ва бундай ишни ўқиувчилар аттестацияси жараёнида тақдим этишига имкон беради.

Шунинг учун ҳам, айнан бугунги кунда замонавий дарсни муваффақиятли ўтказиш учун ўқитувчи ўз вазиятини янгича англаб етиши, ўқитишдаги ўзгаришлар нима учун зарурлигини тушуниш, аввало, ўзи давр руҳига мос тарзда ўзгариши зарур.

Замонавий мультимедиали дарсларни ўтказишда ҳам шундай тузилмалардан, яъни анъанавий ҳамда замонавий ўқитиш методларидан фойдаланиш зарур, бироқ бугунги кунда юзага келган динамик ривожланувчи ахборот моделлари, жараёни визуаллаштириш, ўрганилаётган воқеликни моделлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Дарс жараёнида компьютер каби техник воситалардан фойдаланиш шунчаки, юзаки бўлмай, мақсадга мувофиқ ва методик асосланган ҳолда хизмат қилиши шарт. Бошқа таълимий воситалар самарали бўлиб турган жойда компьютердан фойдаланишга ҳожат йўқ. Ахборот технологияларига фақат улар бошқа таълим методларига нисбатан таълим жараёнининг юқори даражасини таъминлаган ҳолдагина мурожаат этиш зарур.

Таълимда лойиҳали-тадқиқот фаолиятининг барча босқичларида ахборот-коммуникация технологиялари муҳим аҳамиятга моликдир. Лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ўқувчилар кўплаб ахборот манбаларидан фойдаланиб, катта изланиш-тадқиқот ишларини юритишлари зарур бўлади. Бунда Интернет тармоғи жуда катта ёрдам беради.

Ўқитувчи томонидан дарсни янада қизиқарли бўлиши учун тайёрланган компьютер тақдимотлари ҳам сўзсиз, самарали таълим усули бўлиб ҳисобланади. Тақдимот устида ишлашда ўқувчилар билан мулоқот ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Ўқитувчи томонидан тизимли равишда тақдимотлар ўтказилиши бошланғич синфларданоқ ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқишларини оширади.

Аслида болаларнинг ўзлари ўз билимларини рағбатлантириши ва янада кўпроқ ўрганишга интилишлари, таълим тизимининг барча босқичларида зарур билимларни ўзлаштириб, ўз билим доирасини кенгайтиришлари орқали таълим мақсадларига ва ўқувчиларнинг шахсий, ақлий ривожланишига эришиш мумкин. Бунда ўқитувчи давр руҳи ва талабларига мос технологиялардан фойдаланиши катта самарали омил бўлиб ҳисобланади.

Ҳар қандай ўқитувчининг педагогик фаолиятининг якуний мақсади - талабаларга замонавий жамиятда талаб этиладиган ижодий тафаккурга эга етук шахс бўлиб шаклланишларига ёрдам беришдир.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида санаб ўтилган замонавий умумтаълим мактаблари таълими, хусусан, бошланғич мактаб таълими муаммоларини ҳал қилиш давримизнинг долзарб вазифасидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мавлонова Р., Тўраева О., Холиқбердиева К. Педагогика. Республика олий ўқув юртларининг бошланғич таълим методикаси факультетларининг талабалари, педагогика лицейлари ва коллежларининг ўқувчилари учун дарслик.- Т.: Ўқитувчи, 2001 й.

2. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Педагогика. Учебник для студентов -М.: "Академия", 2011 г.

3. Метгус Е. В., Литвина А. В., Турга О. С., Гайтукаева И. Ю., Юдина И. Г. Живая оценка: Программа "Портфолио в школе". 3-е изд. 2010 г.


4. Педагогика: учебник для студентов педагогических вузов и педагогических колледжей/Под ред. П.И. Пидкасистого. - М.: Педагогическое общество России. 2008 г.

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Jo'raeva Xolida Soxibjanovna

Andijon viloyati xalk ta'limi boshkarmasi
6 son Davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim maktab internati
Amaliyotchi psixologi.

**O'QUVCHILARDA MILLIY XARAKTERNI
SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-10>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o'quvchilarning milliy xarakterini shakllantirishning psixologik xususiyatlari va ularni rivojlantirish omillari haqidagi fikrlar bayon etilgan. Milliy xarakterning milliy urf- odat va an'analarda butun bir xalqning ijtimoiy ehtiyojlari, axloq normalari, manfaatlari, amaliy tajribalari va tarixiy yashash sharoitlari o'ziga xos ravishda mujassamlanganligi haqidagi ilmiy amaliy tadqiqot natijalariga asoslangan xulosalar yoritib berilgan

Kalit so'zlar: xarakter, milliy urf odat, etnos, anana, xalq, millat, tuyg'u, did, etnik ong.

Джураева Холида Сохибджановна

Андижанское областное управление народного образования
Государственная специализированная школа-интернат № 6
Практический психолог

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ
НАЦИОНАЛЬНОГО ХАРАКТЕРА У СТУДЕНТОВ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье оределяется обзор психологических особенностей национального характера студентов и факторов их развития. Выделены выводы, основанные на результатах научно-практических исследований о специфическом сочетании национального характера и социальных традиций, этических норм, интересов, практического опыта и исторических условий жизни всей нации.

Ключевые слова: характер, национальные обычае, этничность, материнство, нация, эмоция, вкус, этническое самосознание.

Juraeva Kholida Soxibjanovna
Andijan Regional Public Education Department
Number 6 State Specialized Boarding School
Practical Psychologist

PSYCHOLOGICAL FEATURES OF FORMATION OF NATIONAL CHARACTER IN STUDENTS

ABSTRACT

This article outlines the psychological features and factors that contribute to shaping the national character of the student body. The findings are based on the results of scientific research on the fact that national characterization is characterized by a particular approach to the social needs, ethics, interests, practical experience and historical conditions of a nation.

Keywords: character, national customs, ethnicity, traditions, people, nation, sentiment, vision, ethnic identity.

Shaxsning etnopsixologik xususiyatlarini kelib chiqishi jihatidan xalqning butun o'tmishi, shayot tarzi va tarixi bilan bog'lanib ketgan bo'lib, bu xususiyatlar millat shakllanmasdan avvalroq vujudga kela boshlagan bo'ladi. Ma'lumki, millat etnik birlik taraqqiyotining eng yukori bosqichida vujudga keladi. Etnopsixologik xususiyatlarning ayrim belgilari kishilar birligining hamma tarixiy davrlariga ya'ni urug', qabila, ellatlarga xam xosdir. Etnopsixologik xususiyatlar ayrim tadqiqotchilar ko'rsatganidek, faqat bir omil-tabiiy muxit ta'siri bilangina vujudga kelib qolmay, uning vujudga kelishida uchta omil ta'sir ko'rsatishini ta'klaydilar;

- Birinchi omil bu - siyosiy-iktisodiy va jamiyat hayotida bo'layotgan ijtimoiy jarayonlar tizimi bo'lsa,
- ikkinchisiga, - shu etnik birlik yashab turgan tabiiy-geografik muxitning xususiyatlari kiradi.
- Uchinchi omilga esa xalk hayotida bo'lib o'tgan muxim tarixiy hodisa va voqealar kiradi.

Lekin shuni aytish kerakki, etnopsixologik xususiyatlar tizimida kishilar ruxiyatining mazmunini, avvalo birinchi omil-siyosiy-iqtisodiy, o'zgarishlar belgilab beradi. Tabiiy-geografik omil esa asosan etnopsixologik qiyofaning tashqi ifodalarini belgilaydi. Shuning uchun ham bu omil kuzatayotgan kishi nazariga birinchi omilga qaraganda yaqqol namoyon bo'ladi. Xalq qayotida bo'lib o'tgan muxim tarixiy voqealar so'zsiz uning psixologik qiyofasida uchmas iz koldiradi.

Har bir xalqqa xos bo'lgan milliy xarakter, urf - odat va an'analar, millat tuyg'ulari va did, etnik ong va milliy o'zini-o'zi anglashi, vujudga keltirishi, namoyon bo'lishi, o'zgarishi va rivojlanishi kabi jarayonlar o'ziga xos psixologik qonuniyatlar asosida tadqiq etiladi. Milliy xarakter bu-bir millat birlashmasiga hos o'rab turgan dunyoni emotsional his-tuyg'u orqali qabul qilish va unga javob berish demakdir. Milliy xarakter - millat va milliy psixologiyaning asosiy elementi hisoblanadi. Bo'layotgan voqea-hodisalarda xalq ruhi ta'siri sezilarli darajada ifodalanishi yoki sezilarli darajada ifodalanmasligi mumkin. Milliy xarakter tushunchasi allaqachonlar ilmiy tadqiqot predmetiga aylangan. Jamiyat taraqqiyotida kadriyatlarga munosabat alohida o'rin tutadi. Chunki jamiyat rivojining asosi ham, millatning o'zligini anglash imkonini beruvchi va tarixiy taraqqi?tda erishilgan

muvafaqqiyatlarining negizi xam, avlodan-avlodga o'tkazuvchi qudratli omili xam kadriyatlardir. Shu nuqtai nazardan tarixiy taraqqi?t bosqichlariga nazar tashlar ekanmiz, xar bir davrda jamiyat o'zining milliy qadriyatlarini rivojlantirmay hamda mustahkamlamay turib taraqqiy eeta olmaydi. XX asr o'rtalarida birinchi xarakter xususiyatlar masalasi Germaniyada xalqlar psixologiyasi maktabida ko'rilgan. Bu ilmiy tadqiqot ishtirokchilari tarixiy jarayonda rivojlanishda, o'zgarishda asosiy xarakatlanuvchi kuch xalq, uning ruxi, dini, tili, san'ati, afsonasi va odatlari deb hisoblaydilar. Umuman olganda milliy xarakterni o'rganar ekanmiz, bu juda murakkab xolat ekanligiga guvoh bo'lamiz.

O'quvchilarning ijtimoiy faolligini oshirish va ularda milliy xarakterni shakllantirishda, o'quvchining yoshiga xos mas'uliyat tuyg'usi bilan yashash tarzini, o'z-o'zini anglash va faoliyat jarayonida aniq maqsadlar ko'yish orkali ko'nikmalarni shakllantirish muhim rol o'ynaydi. O'quvchilarning o'z faoliyati davomida mas'uliyatni his qila olishi, ha?tning qiyinchiliklariga, sinovlariga dosh bera oladigan, faol, erkin va mustaqil fikr lay oladigan shaxs sifatida tarbiyalash milliy o'zlkni anglash omillaridan biridir. Bu esa ularda mas'uliyat bilan birga, o'z-o'zini anglash bilan birga shaxsiy g'urur va tuyg'ularini ham rivojlantiradi. O'quvchilarning milliy xarakter xususiyatlariga xos jihatlaridan yana biri ijtimoiy faollashuvining milliy-g'oyaviy jihatlariga e'tibor berishidir. Albatta bu xususiyatlar oilaga, ota-onaga, farzandlarga, mahallaga, millatga va yurtga fidoiylik sifatida nomoyon bo'ladi., Vatanparvarlik tuyg'usini oshirishda maktab ta'limining o'rni kattadir. Demak, o'quvchilarning milliy xarakterini shakllantirish va ularning shaxsiy faolligini rivojlantirishda tarbiya jarayonidagi sog'lom ko'nikmalarni vujudga kelishi ijtimoiy faol ishlarni shakllanishining muhim jixati sifatida .

Zamonaviy jamiyatni turli mezonlar bilan tavsiflash mumkin; yoshi, milliy etnik tarkibi, sinfiy holati, boshqaruv tizimidagi o'rni va boshqalar. Bunda oldinga rivojlanishda biron ijtimoiy guruhdagi ishtiroki, intellekti, irodasi, tashkilotchilik qobiliyati, millatning gullab yashnashidagi, davlatning mustahkamlanishdagi iqtidori, millat xavfsizligini ta'minlay olishi, texnik rivojlanishi, xalqaro avtoritetni saqlay olishi asosiy ko'rsatkich bo'lib xizmat qiladi. Shundan kelib chiqib jamiyat tizimida elit (alohida) qatlam va faolliigi sust regressiv qismlarini ajratish mumkin. Elita tushunchasiga uning jamiyatdagi o'rni paydo bo'lishi, funksiyasi va almashinish tamoiliga lug'atlarda turlicha yondoshiladi. "Elita" termini "eng yaxshi terilgan tanlangan" ma'nosida ham ishlatiladi. Avvallari bu termin qishloq xo'jaligida eng yaxshi don maxsuloti, eng yaxshi hayvon turlarini baholashda ishlatilgan. Vaqt o'tishi bilan jamiyatda xurmatga sazovar, boy, avtoritetga ega, mashhur ijtimoiy guruh namoyondalariga nisbatan ishlatila boshlandi. Avvalo bu siyosatda, biznesda, san'atda va xarbiy sohada qo'llaniladi.

O'zbek xalqining milliy ong xususiyatlariga ta'rif berganimizda uning sifat va fazilatlarini tarannum etuvchi, kishilarning bir-birlariga bo'lgan insoniy munosabatlari, do'st-birodarliklari, axl-ittifoqliklari, bir-birlariga sadoqatliklarini anglashlikni e'tirof etishimiz kerak. Odamning ijtimoiy hayotni tushunishi, sezishi va butun atrofda sodir bo'layotgan o'zgarishlarga munosabati hamda qarashlari uning ongida yuz beradi. Shu boisda ham ong so'zi tilimizda aql so'ziga yaqinroq ko'rinishda qo'llanib kelinadi. Insonning fikrlash qobiliyati nazarda tutilganda, ong va aql atamaları bildirgan ma'nolar bir-biriga xos bo'lib, ong ham, aql ham odam miyasining maxsulidir. Ko'rib turibsizki, etno ong ikki so'z birikmasini tashkil etib, e t n o, ya'ni yunoncha "elat, xalq" degan ma'nolarni bildiradi. Ong-psixologik nuqtai nazardan odamga xos bo'lgan oliy darajadagi aqliy sifat ko'rsatkichi, ya'ni ong psixikaning oliy, uni yaxlit bir holga keltiruvchi shakli, kishining mexnat faoliyatida, boshqalar bilan til yordamida doimiy muloqot qilish jarayonidagi shakllanishining ijtimoiy-tarixiy shart-sharoitlari natijasi hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan

xalqimizning ongi bizning tevarak atrofimizni ko'rshab olgan olam haqidagi bilimlar majmuasidan tarkib topgan desak mubolag'aga o'rin bo'lmasligi kerak. Bu o'rinda shaxsning yoshga xos milliy xarakter xususiyatlarini shakllanishi va namoyon bo'lishi ularning ongli faolligi ham ekanligini e'tirof etish maqsadga muvofiq. Albatta, yoshga xos bo'lgan psixologik hususiyatlarning xarakteri nuqtai nazardan shaxsning milliy xarakterini shakllanishi o'ziga xoslikka egaligini bilamiz. Ayniqsa bu jarayonga nisbatan munosabat kasb tanlash va kasbiy bilimlarni egallashlarida muximdir.

Inson yoshi fiziologik va psixologik qonuniyatning majmui bo'lib, bu fiziologik va psixologik qonuniyatlar yosh o'zgarishi bilan o'zgaradi. O'quvchi yoshi uning rivojlanishiga ob'ektiv mezon bo'lib, hatto undagi individual farqlarda ham farq bo'lmay, normal o'sadiganlar uchun bir xil bo'ladi. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari o'quvchilarining yosh xususiyatlarini bilish eng avvalo ular ta'lim-tarbiyasini to'g'ri tashkil etish uchun muhimdir. Chunki tarbiyani to'g'ri tashkil etish uchun eng avvalo uni ilmiy asoslash muhimdir. Shuning uchun buyuk rus pedagogi K.D.Ushinskiy ta'kidlagan ediki, agar pedagogika kishini har tomonlama tarbiyalashni istasa, uni har tomonlama bilishi lozim. Har bir inson takrorlanmas o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan biologik va ijtimoiy mohiyatli sotsial mavjudotdir. Insonning o'ziga xos xususiyatlari o'zgarmas qotib qolgan emas, balki o'zaro bog'liq bo'lib, doimiy o'zgarishdadir. Ularning o'zaro ta'siri kishining hayot sharoiti, faoliyatining mazmuni va yoshiga bog'liqdir. Insonning yoshi o'zgarishi bilan uning xususiyatlari ham o'zgarib turadi. Ayniqsa bu o'zgarish o'smirlik va o'spirinlik yoshida boshqa davrlarga qaraganda yorqinroq namoyon bo'ladi. Hozirgi kunda inson yoshi balog'atga yetguncha uch davrni o'z ichiga oladi.

- Kichik maktab yoshi, 7-11,12 yoshgacha,
- o'rta maktab (o'smirlik) 12-13,14 yoshgacha,
- katta maktab (o'spirinlik) 15-16,17, yosh bo'lib, ta'lim islohoti

bo'yicha bu davr o'quvchilarning akademik litsey yoki kasb-hunar kollejida ta'lim olish davriga to'g'ri keladi. Bu yosh davrlarining har birida o'quvchi organizmida jiddiy o'zgarishlar yuz beradi. Organizmning anatomo-fiziologik yetilishi, ayrim organlar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik kuchayadi, ichki sekretiya bezlari funksiyasi o'zgaradi, miya va nerv sistemasi rivojlanadi. Ayni vaqtda gavda, bo'y o'sib, organizmdagi mutanosiblik o'zgaradi. Shular bilan birga yosh kishi ruhiyatida, aqliy, jismoniy rivojlanishida sezilarli o'zgarishlar sodir bo'ladi. Bola rivojlanishida doimiy ravishda bir yosh davridan ikkinchisiga o'tish orqali uning shaxsida o'zgarishlar yuz beradi. Bola uchun uni o'rab olgan borliq ikkiga bo'linadi:

- "narsalar olami",
- "odamlar olami".

Shuning uchun bola munosabatlari (faoliyati) "Bola narsa" va "Bola kattalar" tizimi tarzida namoyon bo'ladi. O'quvchilar shaxsining rivojlanishida o'smirlikdan o'spirinlikka o'tish o'ziga xos xususiyatlarga ega. Bu eng avvalo ularda o'zini takomillashtirish istagining kuchayishi va o'qishga bo'lgan qiziqishining o'sishi bilan xarakterlanadi. Bu davrda o'quvchi xarakterida keskin o'zgarishlar yuz beradi. O'z navbatida shaxsiy ayrim sifatlarning umumiy lashib, yaxlit o'ziga nisbatan munosabatning shakllanishiga olib keladi. Ma'lumki, har bir individ shaxs sifatida shakllanar ekan, faqat o'zi yashab turgan davrdagi ijtimoiy munosabatlar ta'siri ostida bo'lib qolmasdan, tarixiy tajribalar, ajdodlar tomonidan yaratilgan, to'plangan va avlodan-avlodga o'tib kelayotgan madaniy meroslar, milliy qadriyatlar ta'siri ostida ham shakllanadi. Bunda ayniksa, har bir xalqqa mos bo'lgan milliy urf- odat va an'analarning roli kattadir. Shunday ekan etnopsixologiyaning asosiy o'rganish ob'ektlaridan urf-odat, an'analar udum va turli

marosimlarni atroflicha o'rganish ularning vujudga kelishi, namoyon bo'lishi, saqlanishi va o'zgaruvchanligi kabi qonuniyatlarini ochib berish ham amaliy ham nazariy jihatdan ahamiyatga egadir. Har bir davrning, har bir xalqning ijtimoiy -iqtisodiy tabiiy -biografik sharoitiga mos bo'lib turadigan va uni o'zida aks ettiradigan urf-odat va an'analari bo'ladi. Odamzod ongli hayot kechira boshlagandan buyon vujudga kelgan urf-odatu marosimlar, udum va an'analarni hisoblab chiqish qiyin. Milliy urf-odat va an'analarda butun bir xalqning ijtimoiy ehtiyojlari, axloq normalari, manfaatlari, amaliy tajribalari va tarixiy yashash sharoitlari o'ziga xos ravishda mujassamlangan bo'ladi. Ular xalqning faoliyati jarayonida tug'iladi, har bir xalq bu tun tarixi davomida yashash sharoitining harakteri va xususiyatlaridan kelib chiqqan holda kishilar o'rtasidagi munosabatlarning ma'lum normada yo'l- yo'riklarini yaratadi. Bu norma va yo'l- yo'riklar avloddan-avlodga o'tish bilan takrorlanib, urf-odatlar va an'analarga aylanib qoladi.

Shakllangan urf-odat va an'analar shaxsning ijtimoiy munosabatlarga kirishishida shaxsning xulq-atvori ijtimoiy jihatdan belgilovchi, boshqarib turuvchi va shakllantiruvchi vazifalarni bajaradi. Qaysi bir urf-odat va an'anani, udum yoki marosimni kelib chiqish sabablarini o'rganmasdan turib qaraydigan bo'lsak, ular bir qarashda, bemani, behuda bo'lib ko'rinadi. Aslida esa ularni barchasi kelib chiqishi bo'yicha xalqning ijtimoiy-iqtisodiy va amaliy faoliyati natijasida vujudga kelgan va ularning ma'lum ehtiyojlarini qondirish uchun xizmat qilganligiga guvoh bo'lamiz.

An'analar ijtimoiy hayotning hamma sohalarida mavjud bo'lish bilan birgalikda, yana kelib chiqish jarayonini ham qamrab oladi. An'anada kishilarning narsa va buyumlarga, tabiatga bo'lgan munosabatlari ifodalanadi. Ma'lumki, san'at va adabiyotda, armiya va oliy o'quv yurtlarida, sport va ishlab chiqarish jamoalarida urf-odat bo'lmaydi, balki an'analar mavjud. Masalan, armiyaga yangi borgan soldatning qasamyod qabul qilish, oliy o'quv yurtiga kirgan yoshlarni talabalar safiga qabul qilinishi, yirik sport musobaqalarida g'olib sportchi shaniga mamlakat bayrog'ini ko'tarilishi va madhiyani yangrashi-bular an'analar hisoblanadi. Bundan tashari an'analarning ta'siri doirasi nisbatan keng bo'lib, bitta an'ana bir necha urf-odat, udum va marosimlarni o'zida qamrab olgan bo'lishi mumkin. Masalan, xalqimizda mavjud bo'lgan mehmondo'stlikni olib qaraydigan bo'lsak, mehmondo'stlik u yoki bu darajada har bir xalq va millatga xos bo'lgan xususiyatdir. Lekin bu narsa yuqorida ko'rib o'tganimizdek, o'ziga xos ijtimoiy-tarixiy shart-sharoitlar ta'siri ostida, oilaviy-maishiy hayotdagi munosabatlar natijasida o'zbek xalqida o'ziga xos bir yo'sinda namoyon buladiki, bu o'zbek xalqining milliy xususiyatiga, milliy an'anasiga aylanib qolgan. Mana shu mehmondo'stlik an'anasi bir necha urf-odatlar, udumlar orqali to'la namoyon bo'ladi. Masalan: o'zbek qoidalarida mehmon har doim ochiq chehra va shirin kalom bilan kutib olinadi. Honadondagi eng noyob narsalar mehmon oldiga qo'yiladi. Mehmonni qadr-qiyamati o'ta yuqori qadrlanadi.

Endi udum va marosimlarga kelsak, ular kuchli psixologik va xissiy ta'sir etish kuchiga ega bo'lib, shular yordamida urf-odat va an'analar bevosita yuzaga chiqadi.

- Udum u yoki bu urf-odat va an'ananing bajarish vaqtida amal qilinadigan tartib va qoidalar.

- Marosim esa, udumni ko'z-ko'z qilib turadigan tashqi bezagi tasviri, ya'ni bajarilishi jarayonidir.

Ijtimoiy mazmunini va ahamiyatiga qarab urf-odat va an'analar ilg'or va qoloq bo'ladi va ijtimoiy rivojlanishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Qoloq urf-odat va an'analar deb, umrini o'tab bo'lgan davr ruxiga mos kelmaydigan, ijtimoiy hayot taraqqiyotiga monelik qiladigan urf-odat va an'analarga aytiladi. Xalq hayotiga singib ketgan urf-odat va an'anani

farmon berish, ta'qiqlash bilan yo'q qilib bo'lmaydi, eski urf-odatlarini siqib chiqarish uchun yangi, jozibali udum va marosimlarni yaratishimiz xalq hayotiga singdirishimiz kerak. Shuning uchun ham urf-odat va an'analarni o'rganishda, rioya qilishda, nihoyatda ehtiyotkorlik bilan yondashish zarur bo'ladiki, noroziliklarga va tuzatib bo'lmas xatolarga olib kelishi mumkin.

O'zbek oilalarida o'tadigan biron-bir yig'ilish, marosim, tantali to'y-tomoshalar, hashar va obodonlashtirish ishlari kattalarsiz, keksalarsiz, ularning maslahatisiz o'tmaydi. Uzoq safarga ketayotgan har bir kishi, qaytayotgan har bir kishi albatta, maxalla va qishloqning hamma keksalarini va xasta bo'lib yotgan kishilarni borib ziyorat qilishi zarur. Agar safardalik davrida maxalladagi biror kishi vafot etgan bo'lsa, birinchi navbatda uning oilasiga borib ta'ziya bildiriladi. Millatimizning asriy an'analarsiz va urf-odatlarisiz milliy mafkurani shakllantirish mumkin emas. Bunda G'arb xalqlari uchun notanish, ammo milliy tabiatimizga xos bo'lgan o'z-o'zini boshqaruv usuli-maxallani rifojlantirish hamda uning mavqeini oshirish kerak. Jamiyat hayotida totuvlik va ijtimoiy tarbiyani tashkil qilishda mahallaning ahamiyati beqiyosdir. Hech bir avlod o'zigacha yaratilgan va to'planib kelingan madaniy meroslarsiz, bilim va an'analarsiz yashay olmaydi. Ma'lum bir jamiyatda yashar ekan u, ajdodlar tomonidan to'plangan marosimlarni hayotning birinchi kunidanoq o'zlashtirib boradi. Shuning uchun ham xalq hayotiga singib ketgan urf-odat va an'analarni hech kanday farmoyishi va ma'muriy yo'l bilan yo'qotib bo'lmaydi. Lekin madaniy merosimizni o'rganishda ilg'or urf-odat va an'analarni eski an'analardan farqlashda ba'zan noto'g'ri yondashishlar ham bo'lganligini ta'kidlash kerak.

Masalan: yaqingacha aholi o'rtasida keng tarqalgan "Navruz" bayramiga asossiz ravishda diniy tus berilib, noto'g'ri asosda tanqid qilinib man etib kelindi. Kelib chikish va mazmuniga ko'ra "Navruz" bayramini diniy ham, konservativ ham, deb bo'lmaydi. Uni o'tkazish rasm-rusmlari, udumlari baxor faslining kirib kelishi va rizqi-ro'z bo'lgan ekin-tikin ishlarini boshlab yuborish quvonchlarini tarannum etadigan xalq tantasidir, Navruz sharq xalqlarida Yangi yilning kirib kelishi deb qabul qilinadi. Urf-odatlar va an'analalar har bir xalqda abadul-abad berilgan va hech o'zgarmaydigan narsa emas. Hayot ularni g'alvirdan o'tkazib, puchini-puchakka, sarasini-sarakka ajratib boradi. Yangi davrga moslasha olgani saqlanib qoladi. Shuning bilan birga har bir davr o'zining udum va marosimlarini, urf-odatlar va an'analarni yaratadi. Milliy mansublikni anglash, insonning butun umri davomida saklanib boshqa yurtlarda yashayotganda ham unutilmaydi. Aksincha, o'z etnik guruxini, yurtini, sog'inish, qo'msash sifatida namoyon bo'ladi. Shaxsning xulk - atvorlariga va boshqa ruxiy xususiyatlariga ta'sir etib turadi.

Tabiatdagi ayni bir voqeliklarning doimiy ta'siri natijasida kishilar bu voqelikdagi xususiyatlarni boshqa sharoitda yashayotgan etnik gurux vakillariga qaraganda chuqurroq idrok qilishga o'rganib qoladilar. Chunki tashki muxit bizning sezgi a'zolarimizga behisob informatsiyalar, ya'ni xilma-xil ta'ssurotlar yuborib turadi. Natijada evolyutsion taraqqiyot davomida, tanamizda shu tashki muxit bilan adekvat (mutanosib) munosabatni ta'min ettiruvchi neyro-fiziologik mexanizm shakllanadi. U kishilarning sezgi va idroklarida namoyon bo'ladi. Shuning uchun u yoki bu xalkkaxos stereotip xatti-xarakatlarni, idrok xususiyatlarini tashqi muxitga moslashuvining oliy ko'rinishi, deb xisoblash kerak.

Adabiyotlar ro'yxati.

1. Alimova. X. Milliylik va ijtimoiy ruxiyat. T. 1992,. 1506
2. G'oziev. E. Muomala psixologiyasi. T. 2001,. 3086
3. Zufarova M.E. "Pedagogik psixologiya". Toshkent "Fan va texnologiya 2008",.4476

4. G'oziev. E. Ontogenez psixologiyasi,.T.,-2010,.360b
5. Karimova. V. Ijtimoiy psixologiya asoslari. T. 1994,.268b

Internet saytlari.

www.ziyonet.uz


www.google.uz

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Ҳакимова Гулнозахон Йигиталиевна

Тошкент давлат юридик университети тарбиячи-педагоги.

ЁШЛАР ОРАСИДА ШУКРОНАЛИК ҲИССИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, СУИЦИД МУАММОСИНИНГ ОПТИМАЛ ЕЧИМИ СИФАТИДА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-11>

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ўрнини кучайтириш бўйича қатор устивор вазифалар белгиланиб, амалга оширилиб келинмоқда. Зеро эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшлар мамлакатимизда уларга яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, эл, юрт равнақига

ўз ҳиссасини қўшишлари, тинч ва осойишта юртда яшаётганларидан шукроналик ҳиссини туйишлари, ҳамда турли ҳил салбий иллатлар, бузғинчи ва вайронкор гояларга қарши руҳий иммунитет ҳосил қилишлари даркор.

Аммо афсуски, бугунги ёшлар орасида юритимизда ва динимизда қаттиқ қораланиб келинаётган салбий иллат, яъни ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу муаммонинг олдини олиш бўйича мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилиб келинаётган бўлиб, шулардан бири ёшлар орасида "шукроналик" деган улуг туйғуни ёшлар онгига чуқур сингдиришдир.

Калит сўзлар: Шукроналик ҳисси, ахборот хуружи, суицидал хулқ, депреция, тўқчилик, аффект, ижтимоий, психопрофтлактика, парасуицид, псевдосуицид.

Ҳакимова Гулнозахон Йигиталиевна

Ташкентский государственный юридический университет

АННОТАЦИЯ

В социальной и политической жизни в Узбекистане отмечается усиление выполнения своих прав. Чтобы на будущее молодежь знала свои права

и выполняла их правильно, добавляла свою долю, должен быть довольны, что живут в таком спокойном, демократическом государстве и должны быть против разрушающих идей, иметь иммунитет в духовном смысле.

Но к сожалению, среди нас есть такие, которые загрязняют нашу религию, делятся своими отрицательными качествами, т.е. те которые заканчивают жизнь самоубийством. Для предотвращения это проблемы у нас в стране проводятся

наблюдения, один из этих наблюдений под названием "благодарность, терпение". Этим у молодежи просыпается великое чувство усвоения своих правил и добавления своей доли для государства.

Ключевые слова: Чувство благодарности, разрушающая новость, поведение при суициде, депрессия, сытость народа, аффект социальный, психопрофилактика, парасуицид.

Hakimova Gulnozakhon Yigitalieva
Tashkent state law University

ANNOTATION

In our country we must be know our work, so in future young know themselves work and add from them something. They must be glad, living in democratic country and mustn't be rushing ideas, have immunities in soul. But unfortunately, we have so people, which dirtying our religion, cut negative solutions. These are humans, who ending live by suicide. In our country we do experiments that not will be problems, so as suicide. One of them is "to be glad". So young will be begin to add something for country.

Keys words: to be glad, rushing news, our qualities in suicide, depression, don't be hungry for world, social, physihoprofilactic, par suicide.

Маълумки бугунги кунда ёшлар орасида Фарб мамлакатларига хос айрим маданият турлари ёки ёшларнинг бўш вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтказиши ёшларнинг таълим олишга ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини уларнинг эртанги кунга, келажакга бўлган ишончини сўнишига сабаб бўлмоқда. Бу эса албатта жамиятда гоёвий бўшлиқнинг юзага келишига ҳам олиб келади.[2] Бугунги куннинг мафкуравий манзараси билан айтадиган бўлсак интернет тармоқлари орқали қўштирноқ остида баъзи ёвуз кимсалар ўзларининг қабих мақсадларига эришиш учун ёшларни алдаб турли ёмон йўлларга ҳам бошламоқдалар.[1] Бу ҳолатлар турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Кейинги вақтларда, ёшлар орасида ўзини ўзи ўлдириш ёки илмий тилда "суицид" ҳолатлари содир қилинаётганлиги жамиятда бизнинг ёрдамимизга мухтожлар борлигидан яъни уларни кўллаб-қуватлашимиз, уларни тўғри йўлга бошлашимиз ва ҳаётга нисбатан оз бўлсада мотиватсия беришимиз керак бўлган инсонлар кўп эканлигини ҳис қиламиз.

Суицид амал ихтиёрий, мустақил ва кўнгилли равишда ўз жонига қасд қилишдир. У амалга ошса ҳам, ошмаса ҳам, суицид ҳисобланаверади.

Ўз жонига қасд қилиш, шу шахснинг ўзи томонидан ёки унинг талаби билан ташқи таъсир остида юз бериши мумкин. Ташқи таъсирда эса асосан томирга инексия юбориш усули кенг тарқалган. Уларнинг муайян фарқли жиҳатлари бўлсада, аммо якун бир.

Ўзжонига қасд қилиш, яъни суицид муаммосини бартараф этиш бўйича бугунги кунда масъул мутахассислар томонидан бир қатор ишлар амлага оширилаётган бўлсада ҳалигача бутун дунё олдидаги ечимин кутаётган долзарб муаммолардан бири сифатида кўзга ташланмоқда. Айниқса ушбу аянчли ходисанинг аксарият қурбонлари ёшларни ташкил қилмоқда. Қатор маълумотларга асосланган графикларга кўз ташласак ўз жонига қасд қилиш ҳоллари айнан 15-29 ёш орасида рўй беришини кўриш мумкин.

Суицид, шартли равишда, икки турга ажратилади: 1. Парасуицид - асл ўз-

ўзини ўлдириш. 2. Псевдосуицид - намоёишкорона ўз-ўзини ўлдириш. Псевдосуицид қарахтлик (аффект) ҳолатида содир этилади. У ўз жонига қасд қилиш баробарида ўзи ва ўз муаммоларига атрофдагиларнинг эътиборини жалб қилиш ҳамдир. Бундай одамлар кўпинча ўзи қилаётган ишнинг моҳиятини, натижасини англаб етмайди. Бошқача айтганда, эътиборга тушиш йўлидаги мақсад унинг кўзини "кўр" қилиб қўяди. Псевдосуицид эрка, арзанда болаларнинг ҳаёт машаққатлари, кийинчиликлари олдидаги ожизлиги бўлиши ҳам мумкин.[6]

Ижтимоий ҳаётда суицидлар сонининг кўпайиши ёки уларнинг муайян даражада сақланишига сабаб бўлувчи айрим жиҳатлар мавжуд. Улар: ҳаётдан норози, суицидга мойил шахсларга жамият аъзоларининг муносабати. Бунда уларнинг хатти-ҳаракатларини маъқуллаш, рухсат бериш, таъқиқлаш ёки бефарқ муносабат каби алоҳида эътиборга олинади. Улар бундан "куч" ва "илҳом" олади. Ижтимоий тушкунликка олиб келувчи ишсизлик, жиноятчилик, бахтсиз ҳодисалар каби ижтимоий-иктисодий ва сиёсий беқарорлик. Аҳолининг ишчанлик ва дам олиш фаоллигининг пасайиши. Одатдаги алоқалар, дўстона муносабатлар, эскича ёндашувларнинг узилиши, можаролар ва руҳий жароҳатларнинг кучайиши бунга сабаб бўлиб, инсонда тушкун кайфиятни келтириб чиқаради. Оиладаги аъзоларнинг келишмовчилиги ва х.к.[7]

Ҳозирги замон статистикасида суицидни тобора ёшариб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Бу ҳолат кўпчилик мутахассислар олдида янгидан улкан вазифаларни қўйиши табиий ҳол албатта. Аммо ўз ўрнида бир савол туғилади. Нега ўз жонига қасд қилиш ёшариб бормоқда. Кўпчиликнинг фикрича бунга асосий сабаб, глобаллашувнинг ортиши, ижтимоий тармоқларнинг ёшлар онгига салбий таъсири дея қаралади. Бу фикрларни инкор қилиб бўлмайди албатта, аммо биз яна бир муҳим сабабни ҳам асосий омил сифатида кўрмоғимиз лозим. Яъни бугунги кун ёшларига эътибор берадиган бўлсак уларда психологик ва диний томондан энг олий туйғу деб баҳоланадиган шукроналик ҳисси тобора камайиб бораётганлигидир.

Шукроналик "Шукр" яъни яхшиликни эътироф этишдир. Шукроналик ҳиссини англаб етиш учун жамиятга энг кўп азият етказадиган назар ташламоқ лозим. Маълумки ахборот хуружининг "камони" асосан ёшларни нишонга олади. Ижтимоий-сиёсий жихатдан захарли бўлган бузғунчи ахборотлар тарқаладиган асосий майдон ёшларни ўз қармоғига илинтирадиган бутунжаҳон ўргимчак тўри ҳисобланмиш интернет эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо интернетни 24 соат ишлаши, энг сўнги боҳабар қилиши, ундан исталган маълумотларни топилиши ва яна бир қатор қулайликларини ҳисобга олсак бизнинг замонамизда интернетдан вос кечиб, уни тақиқлаб ёки чеклаб бўлмаслигини кўрсатади. Ушбу шароитда ёшларнинг онгида ахборот хуружи натижасида маънавий бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгига соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.[5]

Ёшларда шукроналик ҳисси ва ҳаётдан мамнунлик туйғуларни ривожлантириш учун тарихдаги қонли урушлар, нотинч кунлар, илмнинг йўқ бўлиб кетар даражасига келиб қолган йиллари билан ҳозирги тинч ва осойишта кунлар, илм олишга қаратилаётган эътибор билан таққослаш лозим. Шукроналик ҳиссини ёшлар онгига чуқур сингдириш энг аввало ота-оналарнинг ҳамда таълим муассасаларининг олдида муҳим вазифадир. Оиладаги фарзанд тарбиясида бобо ва бувиларнинг ҳизматлари беқиёс бўлиб, улар ёш авлодга тарбия беришнинг

илк босқичини шукроналикдан бошлайдилар. Айнан шунинг учун ҳам бобо ва бувилар қўлида тарбия топган болалар сермулохаза, янгилик ва эскиликни уйғунлаштира оладиган, исрофгарчилик ва тўқчилик, ношукрлик, деган тушунчаларни фарқлай оладиган ёшлардан бири бўлиб камолга етадилар. [5]

Машҳур АҚШ психологи Жим Рон "Борининг қадрига етмай, кўпроғига эришиб бўлмайди. Шукроналик янги гоёлар учун имконият яратиб беради"-дейди. Ҳақиқатдан ҳам барча нарсани шукроналикдан бошламоқ лозим. Чунки шукроналик билан яшамоқ инсонга ҳаловат ва хузур бағишлабгина қолмай тушқунликка тушишдан, депрессиядан сақлайди. [4]

Психология фанида шукроналик-турмуш, оила, иш фаолияти ва бошқа жабҳаларга уйғунлик берувчи фазилат деб эътироф этилади. Шукроналик асосан миннатдорлик орқали ифода этилади. Миннатдорлик-неъматларни тан олиш бўлиб, катта жасорат, яхшилик қилиш билан баробардир. Дунёни, одамларни, вазиятни борича борича қабул қилмасликдан ички норозилик кучайган сари руҳ заифлашади ва ношукрлик ҳужумга ўтади. Ношукрлик психологияда борлиққа тажоввуз қилиш, уни ўзгартиришга уриниш деб аталади. Шу ўринда суицидентлар ҳам борлиққа яъни ўз ҳаётларига тажоввуз қилганликларини эътироф этиш мумкин. Ўз жонига қасд қилганларнинг сабаблари турли бўлишига қарамай аммо моҳияти бир яъни ношукрликдир. Шукр қилиш эса тақдирни тубдан ўзгартириши, муаммоларга ўз-ўзидан ечим топиши фанда изох топиб бериш қийин бўлган ҳолатлардан биридир. Шу боисдан ҳам айрим мутахассислар "шукроналик" тушунчасини "сеҳрли куч" деб аташади.

"Transerfing" (Ҳаёт оқимларида сузиш) китоби билан шуҳрат қозонган психолог Вадим Зеланд ношукрлик ҳақида "Нимадандир қаттиқ норози бўлиш, айнан шу нарсани исташ билан баробар. Негаки, сиз ҳаёт оқимида қарши бораяпсиз. Мувозанат сақланиши учун бу кураш сизнинг зарарингизга ҳал бўлади. Яъни шундай аянчли аҳволга тушасизки, аввалги аҳволи ҳолва бўлиб қолади: пулсизликдан нолиган инсоннинг бири ҳеч икки бўлмайди, саломатлиги ёмонлашади ва агар ношукрликда давом этаверса, ҳар томонлама бошқаларга қарам бўлиб қолади. Ҳар қандай қийин пайтда инсон ўзини қўлга олиши керак. Аҳволингиз қанча ёмон бўлса, кейин шунчалик яхши бўлишига ишонинг. Тасаввур қилинг, истаган нарсангизга эришиб бўлгансиз, кўнглингиз хотиржам ва бундан қониқиш ҳосил қилинг. Шундагина ниятингиз амалга ошади."-дейди.[4] Бу сўзлардан шукроналик ҳисси инсон ҳаёти қадр-қийматини англашдаги ва фаровонлиги таъминлашдаги муҳим омил эканлигин кўришимиз мумкин. Қалбида шукроналик туйғуси жўш уриб турган ҳар қандай ёш авлод ўзини залолат ботқоғига отмайди, ҳаёт завқини туйиб яшаш учун етарлича сабаб топа олади.

Ёшларда шукроналик ҳиссини ривожлантириш суицид психопрофилактикаси сифатида етакчи ўринда туришини юқоридаги фикрлардан англаб олишимиз қийин эмас. Негаки ёшларда суицидал хулқнинг намоён бўлиш сабабларидан бири, уларда шукроналик ҳиссини камайиб кетаётганлиги экан, демак уни олдини олиш учун ана шу шукроналик туйғусини мустаҳкамламоғимиз керак.

Ёшларда шукроналик ҳиссини янада мустаҳкамлаш учун:

Уларга ўзлигини англашимиз, шу асосда миллий гуруҳ, ифтихор ҳиссини шакллантиришимиз. Ёшларга қаратилаётган эътиборни, меҳнатни қадрлашни ўргатишимиз. Атроф муҳитга назар солиш, инсонларни синчиклаб текширишни ва шу асосда ўз ҳолатидан мамнунликни вужудга келтиришимиз. Руҳий тарбиясини мустаҳкамлашимиз ҳамда масъулиятни ҳис қилиши лозимлигини сингдиришимиз

лозим.[5]

Ўз уйи ва оиласини севмайдиган ёшлардан нафақат ўз жонига қасд қилиш каби салбий иллатни, балки барча ёвузликларни кутиш мумкин. У ўзига қилинаётган эътиборни кўрмайди, қадрига етмайди. Ёшлар фақат ўзини ўйламасдан "оила"си яъни Ватани учун тиришмоғи лозим. Атрофга назар ташлаб, унга берилган имкониятлардан фойдаланиб, шунга жавоб тарзида Ватани олдидаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини адо этмоғи керак.

Инсон ҳар қандай қийин вазиятда ҳам ўзини назорат қила олиши ва унга нисбатан ирода, куч ва сабир топа олиши керак. Бундай хусусиятларни ўзида намоён қилган инсон ҳеч қачон бундай йўлни танламайди.


АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Юксак маънавият-енгилмас куч. И.А.Каримов.-Тошкент: Маънавият, 2008-113-115 бет
2. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида/ И.А.Каримов.-Тошкент: Ўзбекистон,2011.-173 бет
3. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак/ И.А.Каримов.-Тошкент: Ўзбекистон,2013.-27 бет
4. <http://psycabi.net/vdokhnovlyayushchie-tsitaty-i-aforizmy/136-spasibo-tsitaty-forizmy-pro-blagodarnost-i-neblagodarnost>
5. Ҳидоят. Уз
6. <http://www.pobedish/ru/main/prevent?id=205#ixzz5U7XNqs8>
7. URLwww.suiside/org

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Мирхолиқова Чарос
Низомий номидаги Тошкент Давлат
Педагогика университети
таянч докторанти

**ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ
УСТУВОР ВАЗИФАСИ СИФАТИДА**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-11-12>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда улар орасида китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш борасида амалга оширилган ислохотлар ва ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг ўрни хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: ташаббус, тарғибот, китобхонлик, маънавият, мутолаа, инновация, таълим, тафаккур, тараққиёт.

Мирхолиқова Чарос
Докторант Ташкентского государственного
педагогического университета им. Низами

**ФОРМИРОВАНИЕ КУЛЬТУРЫ ЧТЕНИЯ СРЕДИ
СТУДЕНТОВ КАК ПРИОРИТЕТ ГОСУДАРСТВЕННОЙ
МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ**

АННОТАЦИЯ

В этой статье подчеркивается важность реформирования молодежной культуры и развития культуры чтения среди них, а также пять ключевых инициатив по формированию культуры чтения среди студентов.

Ключевые слова: инициатива, продвижение, чтение, духовность, чтение, инновация, образование, созерцание, развитие.

Mirxolikova Charos
Phd student at Tashkent state pedagogical
university named after Nizami

FORMING A CULTURE OF READING AMONG STUDENTS AS A PRIORITY OF STATE YOUTH POLICY

ANNOTATION

This article highlights the importance of reforming the young culture and promoting reading culture among them, as well as the five key initiatives to build a reading culture among students.

Keywords: initiative, promotion, reading, spirituality, reading, innovation, education, contemplation, development.

Бугунги кунда, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантириш, таълим муассасаларини бадиий, маърифий, илмий-оммабоп ва тарбиявий адабиётлар билан таъминлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз жадал ривожланаётган бир даврда аждодларимиз, донолар фикрида ўз аксини топган китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Китоб кишилиқ жамиятининг доимий маънавий эҳтиёжи бўлганлиги сабаб унинг мутолаасига чорлов ва китобхонлик маданиятини шакллантириш тарғиботи ҳамиша керак. Айниқса, бугун аҳолида китобхонлик иштиёқини уйғотиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб тус олди. Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол шаклланишида китоб мутолаасининг ўрни беқиёслигини англаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январда "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши қабул қилинди. Бу ҳужжатда аҳолининг кенг қатламини китоб ўқишга жалб қилиш, китоб ўқиш ва китобхонликни тарғиб этиш, вояга етган фарзандларимизни боғча ёшидан бошлаб китобга меҳрли қилиб тарбиялаш, китоб маҳсулотларининг мазмунига эътибор бериш, уларни чоп этиш сифатини яхшилаш, турли мазмундаги китоблар билан тўлдирилган китоб дўконларини кўпайтириш, китоблар фондиди янада бойитиш кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрь кундаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чоратadbирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-3271-сонли қарори ҳамда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга муҳим қадам бўлди. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тўртинчи ташаббус тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган. Ёшларга оид давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида шаклланиши ҳамда маънавий ва интеллектуал ривожланишидир. Бу вазифаларни амалга оширишда бевосита улар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг шароит яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда, ҳукуматимиз томонидан 5та муҳим ташаббусни амалга ошириш мақсадида жуда кўп ишлар қилинмоқда, хусусан бундай ҳайрли ишларни айнан мактаблардан бошланиши эса айтиш мумкин. Зеро, ўсиб келаётган авлод билимга китобга қизиқишни аввало оиладан кейин мактабдан олади. Бу жараёнда таълим ва тарбиянинг роли жуда муҳим. Маданият, маданиятлилик ғоятда кенг тушунчалар, бироқ ким нима демасин, ким қандай талқин қилмасин, бу тушунчаларнинг моҳиятида тарбия, тарбияланиш ҳодисаси ётади. Инсон - тарбияланувчи мавжудот. Тарбиянинг шакллари эса кўп. Аммо-лекин унинг ўзак ва таянч нуқтаси мутолаа ва яна мутолаадан бино бўлади! Зеро, китобхонлик маданияти умумий маданиятнинг мағзи, мазмунидир. Бу ҳақиқатни ёниб-қуйиб айтмаган, мутолаага даъват қилишни ҳаётини маслагига айлантормаган донишманд, зиёли инсон топилмаса керак. Китобхонлик маданияти табиий равишда ўзгарувчан, тобланувчан ҳодисадир. Унинг ўзгарувчанлиги давр, замон ва макон билан чамбарчас боғлиқ. "Китобхон" сўзининг луғавий маъноси "китоб ўқувчи"дир. Китобхонлик эса фаолият тури ҳисобланади. Яъни китоб ўқишни ташкил этиш, китоб ўқиш билан шуғулланишдир.

Мутолаа маданияти китобга қизиқиш, одамларнинг адабиётлар билан кенгроқ танишиш рағбати, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга, шунингдек, ахборот манбаларидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади. Мутолаа маданиятини эгаллаган киши манбани тўлақонли тушунади, ундан эстетик завқ ола билади, муаллиф фикри ва ғоясини англаб етади ҳамда уни баҳолай олади. Бундан ташқари китоб ва кутубхонадан фойдаланиш, ўзини қизиқтирган масалаларга доир манбаларни топиб олиб, истезфода қилиш йўллари пухта ўзлаштирилган бўлади. Китобни танлай билиш, уни юқори суръат билан ўқиш, авайлаб сақлаш, шахсий кутубхона ташкил этиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия эта олиш ҳам мутолаа маданиятига киради. Демак, мутолаа маданиятининг муҳим таркибий жиҳати ундаги ихтиёрийлик, таълим олиш, ўқиб-ўрганишдаги англаш, фаолиятни эркин танлаш, такомиллашувга бўлган онгли рағбат, ички даъват тамойиллари бўлиб, улар инсон ривожланиши учун ўзига хос ҳаракатлантирувчи омиллар саналади. Маълумки, китобхонлик фақат кўп ўқиш билангина белгиланмайди. Унда аввало ўқиган китоблари воситасида эзгу характер, эзгу хулқ-одоб, соғлом дунёқараш, соғлом турмуш тарзи, ижтимоий фаоллик шаклландиғанига амалга ошади. Ёшларга яхши, зарур, фойдали ахборотни, китобни ажратиб беришда тажрибали мураббийлар, ўқитувчилар ва адабиётшунослар кўмагига эҳтиёж катта. Китобхонларни, айниқса, ёш китобхонларни, тўғри йўлга йўналтириш учун малакали маслаҳатлар, тавсиялар зарур. Ўқувчиларни мутолаага йўллашни ривожлантириш - бу мутолаа соҳасида шахснинг энг яқиндаги ва истиқболдаги ривожланиши ва ўз ўзини ривожлантириши майдонини яратиш бўйича мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятдир. Бола (ўсмир) ва катталар ўзаро ҳаракатининг маданий шакллари бундай фаолиятни амалга ошириш усулидир. Ўқувчи бадиий адабиётни ўзлаштириши тўғрисида сўз юритган ҳолда Н.М.Свирини куйидаги бўғинларни: ижодий ўзлаштириш ва муштарак ижодкорлик, бадиий маданият ҳолатини ҳиссий бошдан кечириш, санъат тиллари тўғрисида тушунча, бадиий маданият оламини ўзлаштириш натижаси сифатидаги талқин; муайян нуқтаи назардан келиб чиқадиган асар билан учрашувнинг мулоқот хусусиятини ажратиб кўрсатади. Мутолаанинг мулоқотли хусусияти нафақат ёзувчи томонидан балки ўқувчи томонидан ҳам саъй-ҳаракатлари тақозо этади, унда мавжуд бўлмаган

ҳамсуҳбат билан мулоқотга киришига эҳтиёж ва салоҳият бўлиши лозим. Бундай эҳтиёж ва бундай салоҳият инсоннинг муайян маънавий сифатларидан келиб чиққан ҳолда шубҳасиз шахсий фарқланишларга эгадир. Ўқувчига китоб оламини очишга қодир бўлган педагогнинг ҳиссаси бу ерда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш тизимли жараёни ташкил этиб, бунда аввало китобхон шахсни ривожлантириш омили сифатидаги маданий муҳитни яратиш муҳим ҳисобланади.

Жамиятда мутолаа маданиятини ошириш, деганда фақат китоб ўқишнигина тушуниш ҳам бир томонлама ёндашувга олиб келади. Ўқиш билан бирга одамларга фойдаси тегадиган, эзгу билимларни тарқатадиган, жамият ахлоқини такомиллаштиришга хизмат қиладиган китобларни чоп этишдан тортиб, уларнинг китобхонлар, жумладан фарзандларимиз томонидан ўзлаштирилиши, қалбига жо қилинишигача бўлган барча жараёнлар мутолаа маданиятининг таркибий қисмларидир. Бунга муаллифларнинг савиясию даражаси ҳам, ноширларнинг дид-фаросати ҳам, китоб савдоси ходимларининг малакасию кутубхоначиларнинг ўз касбини на қадар эгаллагани ҳам, ниҳоят ҳар бир ота-онанинг (ўқитувчи-мураббийнинг) ўз фарзандини китобга ҳавасманд этиб тарбиялашдаги имкониятлари ҳам кириб кетади. Узлуксиз таълим муассасаларининг барча бўғинларида болалар, ўсмир ва ёшларда китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиш учун уларга босқичма-босқич такомиллашиб борадиган мутолаа маданияти технологияларини жорий этиш керак. Бунинг учун мутасадди ташкилотлар ва илм даргоҳлари ҳар бир ёшдаги китобхоннинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутолаа маданиятини шакллантиришга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрь кунидаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги ЎРҚ-406-сонли Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 апрелдаги "Ахборот-кутубхонафаолиятитўғрисида"ги Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август кунидаги "Таълим тўғрисида"ги 464-І-сонли Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январь кунидаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги ПФ-4789-сонли Фармойиши;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрь кунидаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-3271-сонли Қарори;
7. Чиниева Сайёра Абдумўминовна. Ўзбек оилаларида болалар маънавиятини шакллантиришда китобхонликнинг ўрни. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. 2006 й. 19-бет
8. Ёқутхон Қаюмхўжаева. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини

шакллантириш имкониятлари. Тошкент-2007. 3-бет.

9. Добрынина, Н. Е. По ступеням культуры чтения/ Н. Е. Добрынина// Библиотекосведение. - 2000. - №3. - С.53-57

10. Библиотечная энциклопедия/ Рос. Гос. б-ка.-Изд-во РГБ "Пашков дом", 2007.-1300 с.: ил.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

№11 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темуր пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000